АДОЛАТ
ҲАР ИШДА
ҲАМРОҲИМИЗ
ВА
ДАСТУРИМИЗ
БЎЛСИН!

ИНСОН ва ҚОНУН

2002 йил
29 ЯНВАР
сешанба
№ 4 (260)
Сотувда
эркин
нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ КЎРИНИШИ

Мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиёт йўли, давлат ва жамият ҳаётидаги ислоҳотлар янада жадаллашувининг муҳим омили бўлган икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартиришга бағишланган референдум юртимизда юксак уюшқоқлик билан ўтди. Бу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирнинг барча демократик тамойилларга мос, эркин овоз бериш йўли билан ўтгани мамлакатимизда демократия тобора мустаҳкамланиб бораётганининг яна бир намойиши бўлди.

27 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов барча ватандошларимиз каби референдумда иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги 648-референдум участкасида овоз берди. Шу ернинг ўзида Ислом Каримов маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида бундай муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирлар ҳар қандай давлат ва жамиятни демократлаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

— Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари мазкур референдумнинг мазмун-моҳияти, унинг давлат ва жамият ўзгаришидаги аҳамияти тўғрисида халқимизга етарли даражада маълумотлар берди, — деди Президентимиз. — Референдумга қўйилган масалаларнинг турмушимизда амалий натижаларини топиши сиёсий ҳаётимизни янада эркинлаштириш йўлида салмоқли қадам бўлади. Бу тадбир давлатни бошқариш, сиёсий тизимни такомиллаштиришда муҳим омилдир.

Референдум қонунчилик тизимимизнинг ўзгаришига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Аввало, янги қонунлар қабул қилиш, қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилади, парламентнинг роли ва ваколатлари кучаяди.

Юқори ва қуйи палаталарнинг вужудга келиши билан кучли қонунчилик ҳокимияти шаклланади.

Айтиш жоизки, қуйи палатамиз доимий ишлайдиган бўлади. Бу эса қонунчиликнинг янги босқичга кўтарилишига олиб келади ва ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги ислоҳотлар жараёнига ижобий таъсир этади.

Президентимиз юқори палатанинг мамлакатимиз учун катта аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратди.

— Биз тузмоқчи бўлаётган юқори палата ўз зиммасига анча-мунча ваколатларни олади,—деди давлатимиз раҳбари. — Жумладан, ижроия ҳокимияти кўпгина масалаларда айнан юқори палата олдида ҳисобот берадиган бўлади. Менимча, Президентнинг баъзи ваколатларини ҳам шу палатага бериш зарур. Биз бу палата ривожланган Ғарб мамлакатларидагига ўхшаш бўлишига ҳаракат қиламиз.

Бугун мамлакатимизда ўтаётган мазкур тадбирнинг ўзи демократиянинг бир кўринишидир. Бироқ Ўзбекистондаги демократияга нисбатан турли фикрлар билдираётганлар уни Европа ёки Америка демократиясига қиёслаб эмас, балки бизнинг демократияга эришиш йўлидаги динамикамизга қараб баҳоласа, тўғрироқ бўларди. Бу жараёнда умуминсоний ва демократик қадриятларни четлаб ўтмаган ҳолда кўп асрлик миллий ўзлигимизни ҳам унутмаслигимиз муҳим аҳамият касб этади.

Ислом Каримов референдумнинг ижобий натижалари мамлакатимиз сиёсий ҳаётини тубдан ўзгартиришини таъкидлади ва журналистларни қизиқтирган бошқа кўпгина саволларга жавоб қайтарди.

Анвар КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

РЕФЕРЕНДУМ ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистонда ўтказилган референдумда фуқароларнинг овоз бериш жараёнини кўплаб мамлакат ва халқаро ташкилотлардан келган ўнлаб хорижлик кузатувчилар синчковлик билан кузатиб борди. Уларнинг айримлари ЎзА мухбирларига ўз таассуротлари ҳақида гапириб берди.

— Мен референдум арафасида айрим округ ва участка комиссияларидаги тайёргарлик ишлари билан танишган ҳамда бу ўта муҳим сиёсий тадбирга мамлакатингизда жуда жиддий тайёргарлик кўрилганига амин бўлган эдим, — **дейди италиялик Нерево ЛЕРОНИ.** — Овоз бериш рисоладагидек ўтди. Овоз берувчилар ҳам фаол. Умуман, мамлакатингиз, халқингиз менда жуда яхши таассурот қолдирди. Ўзбекистон ўзининг юксалиш йўлидан дадил бораётганига амин бўлдим.

АҚШнинг Яқин Шарқ институти вакили Жон ДАЛИ Нукусда Ажиниёз номидаги 18-ўрта мактаб биносида жойлашган 47-референдум участкасида овоз бериш жараёнини кузатганини айтди.

— Одамларнинг ҳали тонг ёришмасдан туриб участкаларга келиб, фаоллик билан овоз бераётганини кўриб, тўғриси, ҳайратландим, — **дейди жаноб Дали.** — Мулоқотлардан англадимки, мустақил Ўзбекистон раҳбари юритаётган изчил сиёсат халқнинг фикрига таянади ва халқ иродасини ифодалайди. Овоз бериш жараёнида бирор камчилик ёки муаммо кўрмадим. Мустақил юрт халқига, Оролбўйи аҳолисига янада равнақ тилайман.

— Давлатларимиз мустақилликка эришганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ, аммо Ўзбекистон ўз танлаган йўлидан дадил одимлаяпти десам, янглишмайман, — **деди Беларус Марказий сайлов ва референдум ўтказиш комиссияси раиси Лидия ЕРМОШИНА.** — Умумхалқ референдумига тайёргарлик жараёни, фуқароларнинг фаол иштироки, ҳар бир кишининг мамлакат келажаги учун масъулликни ҳис этиши одамларнинг сиёсий онги ўсиб бораётганидан далолат беради.

Россия стратегик тадқиқотлар институти директори Евгений КАЖОКИН Фарғона водийсида бўлди.

— Умумхалқ референдумига тайёргарлик борасида Фарғона ва Марғилон шаҳарларида амалга оширилган ишлар билан танишдим, — **деди меҳмон.** — Танишиш жараёнида участкалар ва меҳнат жамоаларида бўлиб, одамлар билан суҳбатлашдим. Мулоқотларимиз давомида улар бу кунни байрамдек қарши олаётганига амин бўлдим. Улар нима учун овоз бераётгани, ўз сўзи мамлакатингиз эртаси, жамиятингиз ривожи, халқингизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти учун катта аҳамият касб этишини яхши англайди. Бу мустақил мамлакатингизнинг улкан тараққиёти ва салоҳиятини кўрсатиб турибди.

Грециядан келган Веланис ДИМИТРИОС Наманган вилоятидан олган таассуротларини бундай ифодалади:

— Ҳаммаси кутганимдан зиёда. Буни алоҳида таъкидламоқчиман. Негаки, гўзал Ўзбекистонга сафарим таассуротларимни бутунлай ўзгартириб юборди. Халқингиз тинч ва осуда яшаётгани, энг муҳими, бунёдкорлик билан машғуллигига яна бир карра амин бўлдим. Референдумнинг ўзига келсак, доим халқ билан шундай очиқ маслаҳат ва мулоқот қилиш зарур, деб ўйлайман. Қолаверса, овозга қўйилган масалалар халқнинг фақат бугуни эмас, эртанги ҳаётига ҳам тааллуқли. Юртдошларингиз жуда фаол экан. Эрталабдан бир неча участкада бўлдим. Референдум одамларда самимий қизиқиш уйғотганини кўриб, тўғриси, ҳайратландим.

Самарқандда бўлган **АҚШ Конгресси кутубхонаси мутахассиси Иброҳим ФАРҲОДИЙ,** "референдум халқаро миқёсда қабул қилинган қонун-қоидаларга мос, демократия тамойиллари асосида ташкил этилганидан" мамнуният изҳор этди.

— Одамларнинг кайфияти, фаоллиги мен кутгандан ҳам зиёда бўлиб чиқди, — **деди у.**

Исроилнинг Гарри Трумэн номидаги халқаро тадқиқотлар маркази илмий раҳбари Владимир МЕСАМЕД Жиззах вилоятидаги сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатди.

— Вилоятда референдумга катта тайёргарлик кўрилганининг гувоҳи бўлдим, — **деди у.** — Участкалар яхши жиҳозланган, ахборотномалар, қўлланмалар билан таъминланган. Бу ҳолатни олис тоғли Бахмал ва Зомин туманларидаги референдум участкаларида бўлганимда ҳам кузатдим.

— Демократия тамойилларига асосланган жамият қураётган мамлакатингизда референдум ўта фаоллик билан, кўтаринки руҳда, барча демократик тамойиллар асосида ўтганини Жиззах шаҳридаги бир неча участкаларда бўлганимизда аниқ кўрдик, — **деди Озарбойжон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мазаҳир ПАНОХОВ.**

Унинг ҳамроҳи — **Озарбойжоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ойдин АЗИМБЕКОВ** бундай деди:

— Жиззах шаҳри ва Ғаллаорол туманида бўлганимизда бу сиёсий тадбирга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилганининг шоҳиди бўлдик. Одамлар референдумнинг мазмун-моҳиятини тушунган ҳолда овоз бераётганини ўз кўзимиз билан кўриб, мустақил Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш борасида улкан ютуқлар қўлга киритилаётганидан қувондик.

27 январ. Соат 6.00. Ўзбекистон мадҳияси янграмоқда. Ёшлик шаҳарчасида жойлашган 284-референдум участкаси ишни ана шундай бошлади.

Бироздан кейин набиралари етагида бир онахон кириб келди. Овоз бериш қутисига биринчи бюллетень ташлаган онахонимиз қўлини дуога очиб фотиҳа қилди:

— Илойим юртимизнинг эртаси бугунгидан ҳам чароғон бўлсин. Халқ фаровонлиги, юрт тинчлигини ўйлаб, меҳнат қилаётган ҳар бир инсоннинг касбу корига худо барака берсин. Референдум ҳам байрам, юртимизнинг байрамлари кўп бўлсин, дастурхонимиздан хайру барака кўтарилмасин.

88 ёшли онахонимиз Инобат аянинг дуолари билан бошланган референдум тонги ғира-ширасида бир неча йигитлар участкага кириб келишди. Овоз беришни якунлаган йигитларни суҳбатга тортдик:

— Мен Маҳмудов Ҳабибжон, Тошкент Политехника университети талабасиман. Биринчи бор бундай тадбирда иштирок қилишим. Ҳаяжоним ҳам шундан. Очиғини айтганда, бир фуқаронинг овози Ўзбекистон келажагини белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини шу дамларда ҳис қилдим.

— Мен эса Авиасозлик институтининг талабасиман. Исмим Темур, фамилиям Эргашхўжаев. Менинг ҳам овоз бериш ҳуқуқидан биринчи бор фойдаланишим. Ҳар бир онгли фуқаро юрт, миллат тақдири билан боғлиқ бундай тадбирларда иштирок қилиб, албатта, ўз муносабатини билдириши шарт, деган хулосага келдим. Юртимизнинг келажаги бизнинг фаоллигимизга, сиёсий-ҳуқуқий етуклигимизга боғлиқлигини мана шу овоз бераётган онахонларда тушуниб етдим.

Ҳабибжон ҳамда Темурбекка ўхшаган илк марта овоз бераётганлар сони бу участкада 156 та экан.

— Ҳозиргача, — дейди участка комиссияси раиси Ботирхон Содиқов соатнинг 8.30 бўлганлигини кўрсатиб, — рўйхатга олинган фуқароларнинг 70 фоизидан ортиқроғи овоз бериб бўлди.

* * *

Мирзо Улуғбек туманидаги 83-референдум участкасига борганимизда Бирлашган Араб Амирлигидан келган кузатувчи Али Жасим Аҳмад билан учрашиб қолдик.

— Мен Амирлик парламентининг аъзосиман. Бу бевосита мен кузатаётган учинчи референдум участкасидир. Айтишим лозимки, мен кузатувчи сифатида қатнашаётган барча участкаларда референдум халқаро ҳуқуқий меъёрларда ташкил қилинган. Фуқароларнинг фаоллиги ҳақида эса фақат мақтов гапларни айтиш мумкин.

— АҚШ, Франция давлатларидан участкамизга келган кузатувчилар ҳам референдумнинг ташкилий томонлари ва аҳолининг иштирокини кўриб, яхши таассуротлар билан кетишди, — дейди участка комиссиясининг раиси Асад Абдуллаев.

321-референдум участкасида бўлганимизда ҳам Бригитте Чахе (Саксония паралменти вакили) ва Росвита Риеслар (Германия) кўп марта "О кез" сўзларини ишлатди.

Хуллас, куни кеча бўлиб ўтган бу сиёсий тадбирда 32 давлатдан 130 дан ортиқ халқаро кузатувчилар иштирок қилишди. Улар орасида дунёнинг 20 га яқин давлатининг оммавий ахборот воситаларидан 40 га яқин вакиллар референдумнинг фаоллик билан халқаро меъёрларда ўтказилганига бевосита гувоҳ бўлишди.

285-референдум участкаси. Рўйхатга олинган 3416 фуқаронинг 3236 таси (94,7 фоиз) пешингача референдумдан ўтиб бўлишибди.

— Ўзимиз референдумга бош-қош бўлиб турибмиз, — дейди Саъдулла ота Фатхуллаев. — "Университет" маҳалласида яшовчи барча отахонлар эрталабдан келиб овозимизни бериб кетдик. Ёшларимизга ўрнак бўлишимиз керакда. Ахир, бу йилни Президентимиз қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилдилар. Куни кеча бу йилга бағишланган давлат дастури ишлаб чиқилиши ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Биз, отахонлар, кексалар буюк келажак қуришда ёшларимиздан орқада қолиб кетсак, уят бўларди. Бугунги референдумда ҳам талаба набираларимиз билан ким фаол деган мазмунда беллашаяпмиз, десак бўлади. Аслини олганда, бундай тадбирлар бизда байрамга айланиб кетади. Бугунги кексаларимизнинг кайфияти, ёшларимизнинг шижоати худди байрамдагидек.

Референдум кун тартибига қўйилган иккала масала қанчалик жиддий бўлса, халқимиз ҳам референдумда шунчалик эътибор билан фаол иштирок қилишди. Бу эса фуқароларимизнинг ўз келажагига бефарқ эмаслигидан далолатдир.

Халқимиз демократик жамиятда ҳар бир фуқаронинг овози, фикри нечоғлик муҳим ва эътиборда эканлигини яна бир бор ҳис қилди. Демократик давлат ҳар бир ишни халқ билан бамаслаҳат ҳал қилишига амин бўлди.

Мазкур референдум халқимизга юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг олижаноблигини, демократиянинг нақадар улуғворлигини ва демократик-ҳуқуқий жамиятда ҳар бир фуқаро фикри мўътабар эканлигини яна бир бор англатганлиги билан ҳам қадрли бўлиб қолади.

Акбар ЖОНУЗОҚОВ

ХАЛҚ ИРОДАСИ ИФОДАЛАНГАН КУН

РЕПОРТАЖ

«ИНСОН ва ҚОНУН»га...

ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР

Тартибга кўра битта вилоятда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар сони ўнтага етган тақдирдагина уларнинг талаби билан хусусий тартибда ишловчи нотариуслар палатасини ташкил этиш мумкин. Бизнинг Навоий вилоятимизда эса, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ўнтага етмайди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай ҳолда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар палатасини ташкил этиб бўлмайди. Бу борадаги таклифим — регионал палаталар ҳам ташкил этилса. Бунинг афзаллик томони кўп. Масалан, ҳисобот топшириш билан регионал палата шуғулланарди. Бу эса нотариусларнинг ҳисобот топширишга сарфлайдиган вақтини тежашга хизмат қилади.

Азамат ТОШЕВ,
Хатирчи тумани ҳудудида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

ҚОНУН МУКАММАЛЛИГИ

ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИДИР

"Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

Мазкур қонун лойиҳаси фуқаролар ва юридик шахсларнинг суғурта фаолиятидаги ҳуқуқий муносабатларни қонун йўли билан тартибга солишга қаратилган. Лойиҳада асосий ҳуқуқий муносабатлар тўлиқ кўрсатилган. Лойиҳанинг 15-моддаси 2-бандида "Лицензиянинг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан беш иш куни ичида махсус ваколатли давлат органи суғурталовчини мажбурий тугатиш тўғрисидаги ариза билан қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат этиши шарт", деб кўрсатилган. Бизнингча, ушбу бандда лицензиянинг амал қилиши тугатилганидан кимнинг ҳуқуқий манфаати бузилганлиги, яъни махсус ваколатли давлат органи ёки суғурталовчининг экани мазмунан аниқ эмас. Бундан ташқари, амалдаги фуқаролик қонунларида кимнинг ҳуқуқи бузилган бўлиб, ўз ҳуқуқини бузган томон билан ўзаро келиша олмаган тақдирдаги низоларгина судда кўриб ҳал қилиниши белгиланган. Шунга кўра, лицензиянинг амал қилиши тугатилганлигини тегишли ваколатли давлат органи томонидан, яъни суғурталовчини қайси ваколатли давлат органи томонидан тузилган бўлса, шу ваколатли орган томонидан кўриб ҳал қилинишлиги тўғри бўларди, деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, томонларнинг судга мурожаат этиши шарт деб кўрсатилиши, томонларнинг ҳуқуқий эркинлигини чегаралаб қўяди. Чунки Конституция ва фуқаролик қонунчилигимизда ҳуқуқи бузилган жисмоний ёки юридик шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини тиклашда судга мурожаат қилиш ҳуқуқий эркинлиги белгиланган. Лекин бу унинг мажбурияти эмасдир.

Шу боис, лойиҳанинг 15-моддаси 2-бандини "Лицензиянинг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан беш иш куни ичида махсус ваколатли давлат органининг ўзи томонидан кўриб ҳал қилади", деб кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Қонун лойиҳасининг 24-моддаси 1-бандида эса "Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, тиббиёт, сейсмология... зарур бўлган ҳужжатлар ва хулосаларни тақдим этишлари шарт", деб кўрсатилган.

Бизнингча, судларда суғурта ҳодисаларининг юз бериш сабаблари ва ҳолатлари тўғрисида маълумотлар бўлмайди. Иккинчидан, суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасидаги келиб чиққан ҳар қандай низолар охирги ҳолатда судда кўриб, ҳал қилинади. Шундай экан, судда кўрилмаган бирон ҳолат бўйича суддан маълумот талаб қилиш ҳам ўринли эмас. Шуни ҳисобга олиб, ушбу модданинг 1-бандидаги "ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар", деган жумлани чиқариш лозим бўлади.

Лойиҳанинг 28-моддаси 1-бандида "Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларига нисбатан махсус ваколатли давлат органи қуйидаги иқтисодий жарималарни қўллаши мумкин", деб кўрсатилган. Лекин қайси ваколатли давлат органларининг аниқ номлари кўрсатилмаган.

Бизнингча, ушбу моддада иқтисодий жарималарни қўллаш ваколатига эга бўлган ваколатли давлат органларининг аниқ номлар тўлиқ кўрсатилса, тушунарли бўларди. Бундан ташқари қонун лойиҳасида суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ҳам аниқ кўрсатилмаган. Маълумки, суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида ҳуқуқий муносабатлар ёзма шартнома асосида тузилади. Агар шартнома шартлари суғурта қилдирувчи ёки суғурталовчи томонидан бажарилмаган тақдирда томонларнинг жавобгарлиги нималардан иборат эканлиги ва ўзига етказилган моддий зарарни қандай тартибда қоплашлиги ҳақидаги масала қўшимча модда билан тўлдирилса, қонун янада мукаммал бўларди.

Бердиёр СУЮНОВ,
ҳуқуқшунос

ШАҲАР ХЎЖАЛИК СУДИ — ТАДБИРКОРЛАР ТАЯНЧИ

Тошкент шаҳар хўжалик судида йил якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда республика хўжалик судларида кўрилаётган низоларнинг учдан бир қисми пойтахт хўжалик суди ҳиссасига тўғри келади.

Иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишида республикамизда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзига хос ўрни бор. Шунинг учун Президентимиз Ислом Каримов хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда судларнинг, айниқса, хўжалик судлари фаоллигини янада кучайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Бундан тегишли хулоса чиқарган Тошкент шаҳар хўжалик суди бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган талай ишларни амалга оширмоқда.

— Ўтган йили шаҳар хўжалик судига 15 мингдан зиёд ариза ва хабар келиб тушди, — дейди Тошкент шаҳар хўжалик суди раиси ўринбосари Собир Холбоев. — Бир сўз билан айтганда, ҳар бир иш кунида ўртача 200 дан зиёд суд ҳужжати кўриб чиқилди. Кўрилган ишлар бўйича даъвогарларга 32 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ундириб берилди. Шу билан бирга, давлат бюджетига 340 миллион сўмдан ортиқ давлат божи, хўжалик судларини ривожлантириш жамғармасига 60 миллион сўмга яқин маблағ туширилди.

Ҳисобот даврида кўрилган ишлар бўйича 15 та жиноий иш қўзғатилиб, 164 корхона раҳбарлари ва бош ҳисобчилари маъмурий, 61 нафари мулкий жавобгарликка тортилди. Бундан ташқари, қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш борасида тегишли идораларга 96 та хусусий ажрим ва хабарнома юборилди.

Ўтган йил давомида ҳукуматимизнинг тегишли қарорларига мувофиқ шаҳар хўжалик суди судьялари ва мутахассислари фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонунлар, Президент Фармонларини аҳолига тушунтириш ишларида ҳам фаол иштирок этди. Ҳуқуқий мавзулардаги кўрсатув ва эшиттиришлар, мақолалар эълон қилиш билан бирга, тадбиркорлар ўртасида 500 мартадан кўпроқ маъруза ва давра суҳбати ташкил этилди. Шунингдек, ҳуқуқий тарғиботнинг бир кўриниши сифатида 308 та суд мажлиси жавобгар ёки даъвогар ташкилотлар жамоа аъзолари иштирокида ўтказилди.

Норгул АБДУРАИМОВА



Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

* * *

Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

* * *

АҚШ Давлат котибининг Европа ва Евроосиё ишлари бўйича ўринбосари Бет Жоунс хоним бошчилигидаги делегация мамлакатимиз раҳбарияти билан сиёсий, иқтисодий масалалар хусусида кенг миқёсда фикр алмашиш учун Ўзбекистонга ташриф буюришди.

* * *

Қибрай туман ҳокимлиги қошида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими иш бошлади.

* * *

Вазирлар Маҳкамасининг "Қарияларни қадрлаш йили" Давлат дастури тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 январ куни Оқсаройда АҚШ Куролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Франксни қабул қилди.

* * *

Президент Ислом Каримов 23 январ куни Оқсаройда Тошкент ва Ўрта Осиё епархия бошқармаси раҳбари архиепископ Владимирни қабул қилди.

* * *

Қаршида "Қашфармтекс" Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси ташкил этилди.

* * *

Европа Иттифоқи Фаластинда ўз маблағи ҳисобига қурилган иншоотларни вайрон қилгани учун Исроилдан товон пули тўлашни талаб қилди. Ҳисоб-китобларга қараганда, у 12,8 миллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланади.

* * *

Афғонистон Муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай шу ҳафтада БМТ штаб-квартирасига расмий ташриф буюришни режалаштирган.

ИШБИЛАРМОНГА МАДАД КЕРАК

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларини чуқурлаштириш жараёни изчил давом эттирилмоқда. Президентимизнинг 2000 йил 14 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини таокиллаштириш тўғрисида"ги Фармонига ҳамда янги таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги Қонунга (2000 йил 14 декабр) асосан 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб умум юрисдикция судлари иккига — фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларга бўлинди. Судларнинг ихтисослашуви қандай самара бераётир. Фуқаролик судларида тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қандай ҳимоя қилинмоқда? Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг раиси Ҳусан МУЛЛАЖОНОВ ана шу тўғрида мулоҳаза юритади

2001 йили вилоят фуқаролик ишлари бўйича судлари тизимида тадбиркорларнинг манфаатини ҳимоя қилиш юзасидан 50 дан зиёд фуқаролик иши кўриб чиқилди. Мазкур ишлар ҳолатини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш юзасидан судга тақдим этилган даъво аризаларининг аксарияти вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилди. Шундан 34 та иш юзасидан тадбиркорларнинг манфаатлари қаноатлантириди. 7 та даъво аризаси бўйича фуқаролик иши тарафлар ўзаро келишганликлари ва даъвогарлар ўз даъвосидан кечганлиги сабабли иш ҳаракатдан тўхтатилди. 1 та даъво аризаси бўйича фуқаролик иши рад этилди.

Шу давр мобайнида вилоят фуқаролик ишлари бўйича судларининг ҳал қилув қарорлари билан жавобгарлардан тадбиркорлар фойдасига 16.220.826 сўмлик моддий ва маънавий зарарларни ундириш ҳақида қарорлар чиқарилган бўлиб, шу кунга қадар 5 млн. сўмдан кўпроқ маблағ тадбиркорлар фойдасига ундириб берилди.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди томонидан ўтган йили бевосита тадбиркорлик ишлари билан боғлиқ бўлган 5 та иш кўриб чиқилди. Шундан 4 та даъво аризаси қаноатлантирилиб, 1 таси томонларнинг келишуви туфайли ҳаракатдан тўхтатилди. Фуқаролик ишлари юзасидан тадбиркорлар фойдасига 6459611 сўмлик моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида қарор чиқарилди.

Кези келганда судда тадбиркорларнинг манфаатларини кўзлаб киритилган фуқаролик ишларининг баъзи бирлари ҳақида мухтасар тўхталиб ўтсак.

2001 йилда тадбиркорлар фаолиятига давлат органлари мансабдор шахслар томонидан ноқонуний аралашиш билан боғлиқ 2 та фуқаролик иши кўриб чиқилди. Жумладан, Сирдарё тумани СЭС бош врачи Т.Магамедов, туман ДСИ бошлиғи муовини А.Ибрагимов, СЭС врачлари — Аликулова ва Каххоровалар огзаки буйруқ асосида "Кўк-су" хусусий ошхонасини ноқонуний тарзда ёпиб қўйишган. Ушбу иш Сирдарё туманлараро фуқаролик судида кўриб чиқилиб, жавобгарлардан тадбиркор Р.Нам фойдасига 1 млн. 100 минг сўм ундирилди.

Гулистон туманидаги А.Носиров номидаги ДФХУ раиси С.Йўлчиевнинг ноқонуний (огзаки) буйруғига кўра "Холиқбой ота" фермер хўжалигига қарашли 20 гектар бедапоя ўзбошимчалик билан ҳайдаб ташланган. Мазкур ишни вилоят суди апелляция судлов ҳайъатида муҳокама этиш жараёнида маълум бўлдики, бедапоя майдони шудгорлангани сабабли "Холиқбой ота" чорвачилик фермер хўжалигига 1.894.141 сўмлик моддий зарар етказилган. Жавобгардан 1.894.141 сўмлик моддий, 70 минг сўмлик маънавий зарар, 378.828 сўм давлат божи ундиришга қарор қилинди.

Гулистон туманининг Улуғбек номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидаги "Давлат" фермер хўжалиги раиси М.Шерқўзиев "Ўзагрокимётаъминот" Ховос туманлараро ҳиссадорлик жамияти билан 112 минг сўмлик кимёвий ўғит олиш учун шартнома тузган. Фермер хўжалиги шартномада кўрсатилган пулни иккинчи томонга ўтказган (2000 йил 2 июн) бўлса-да, бироқ 2001 йилнинг 16 мартига қадар минерал ўғитни олмаган. Натижада фермер хўжалиги 30 минг сўм моддий, 10 минг сўм маънавий зарар кўрган. Ушбу иш аввало, фуқаролик ишлари бўйича Боёвут туманлараро судида, сўнгра вилоят судида кассация тарзида кўриб чиқилди. Иккинчи босқич суд жараёнида маълум бўлишича, жавобгар ҳақиқатан ҳам келишилган шартнома шартларига кўра даъвогарга 112 минг сўмлик дельтафосни етказиб бермаган. Фермер хўжалиги раисида тегишли рухсатнома бўлмагани боис (келишган ҳолда) дельтафос ўрнига амафос олган. Судда даъвогарнинг даъвосидан воз кечганлиги инобатга олиниб, биринчи босқич судининг ажримини ўз кучида қолдириш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Меҳнатобод туманининг Э.Каххоров номидаги ширкат хўжалиги билан "Тараққиёт" фермер хўжалиги ўртасидаги низо Оқолтин туманлараро суди томонидан кўриб чиқилиб, фермер хўжалиги ҳисобига 360 минг сўм моддий, 50 минг сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилганди. Даъвогар В.Нурматов суднинг бу қароридан норози бўлиб, юқори босқич судига кассация тарзида мурожаат қилган. У ўз даъвосида 15 гектар ерни ҳайдаш, уруғ экиш, ҳосилни етиштириш, дори сепиш учун кетган харажатларни ҳам ҳисоблаб, ширкат хўжалигидан жами 780500 сўм ундирилишини сўраган. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг кассация судлов ҳайъати бу ишни муҳокама этиб, кассация шикоятини рад қилди. Маълум бўлишича, даъвогар В.Нурматов Э.Каххоров номидаги ширкатлар уюшмаси раиси З.Абдуғаниев билан 1997 йилнинг 5 апрелида икки томонлама шартнома тузган. Келишувга биноан ширкатлар уюшмаси фермер хўжалиги ерини шудгорлаш, минерал ўғит, ёнилғи маҳсулотлари билан таъминлаш мажбуриятини олган бўлса-да, шартнома мажбуриятларини бажармаган. Натижада В.Нурматов бозордан уруғ сотиб олган ва ерни ҳайдатиб, уруғни септирган. Етиштирилган буғдой З.Абдуғаниевнинг буйруғига кўра (ширкат хўжалиги уюшмаси ғалласи билан бирга) Ховос дон комбинатига (фермернинг розилигисиз) топшириб юборилган. Оқибатда фермер хўжалиги ширкатлар уюшмасининг собиқ раиси З.Абдуғаниевнинг ноқонуний ҳаракатидан зарар кўрган.

Сирдарё шаҳри Туркистон кўчасида жойлашган "Баҳор" хусусий кафеси Сирдарё ва Гулистон шаҳарлари ўртасидаги автомобил йўли реконструкция қилиниши муносабати билан Сирдарё туман "Автомобил йўллари" корхонаси томонидан тадбиркор Ш.Алиевнинг иштирокисиз бузилган. Ҳолбуки, Ш.Алиевнинг хусусий мулки бўлган кафени бузишдан олдин унинг нархи ҳисоб-китоб қилиниб, эгасини таклиф этган ҳолда бузилиши ва иморат бузилганлиги учун етказилган зарар ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши лозим эди. Ушбу иш дастлаб Сирдарё туманлараро фуқаролик судида, сўнгра вилоят судида кассация тарзида кўриб чиқилди. Тадбиркор Ш.Алиев ҳисобига 1.536.160 сўм моддий, 200000 сўмлик маънавий зарарни ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилди.

Гулистон туманидаги "Боёвут" деҳқон фермер хўжаликлар бирлашмаси ҳудудида фаолият юритаётган "Умид" фермер хўжалиги "Гулистон" дон қабул қилиш корхонаси билан 2001 йил ҳосили учун контрактация шартномаси тузиб, шартнома шартларини 124 фоизга бажарган.

Гап шундаки, Гулистон туманига вилоят ҳокимлигидан юборилган вакил Ж.Бойжигитов ҳамда "Боёвут" ДФХБ раиси С. Ҳасанбоевларнинг кўрсатмасига асосан "Умид" фермер хўжалигининг буғдой экилган даласига комбайн олиб кирилиб, фермер хўжалиги раиси Э.Эшонқуловнинг иштирокисиз 9 гектар ердаги буғдой ўрдирилиб, "Гулистон" дон қабул қилиш корхонасига Амир Темур номидаги ширкатлар уюшмаси ҳамда "Сарвар" фермер хўжалиги ҳисобидан 8.550 кило буғдой топширилган. Шу тариқа "Умид" фермер хўжалигига 469.105 сўм зарар етказилган. Вилоят фуқаролик ишлари бўйича судининг ҳал қилув қарорига кўра "Умид" фермер хўжалиги фойдасига етказилган моддий ва маънавий зарар ундириладиган бўлди.

Вилоят фуқаролик ишлари бўйича суди томонидан тадбиркорлар ҳуқуқи бузилишининг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлик билан боғлиқ бўлган қонунларни ижро этиш, шартномавий мажбуриятларни бажариш мавзусида банк муассасалари, ҳуқуқ-тартибот, назорат органлари масъулиятини оширишга бағишланган давра суҳбатлари ўтказилди. Қишлоқлар, маҳаллаларда тушунтириш ишлари олиб борилаяпти. Фуқаролик судларига қилинган мурожаатлар шундан далолат берадики, ҳали баъзи тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданияти етарли даражада эмас. Айрим мансабдор шахслар бундай ҳолатларда эса уларнинг бу вазиятидан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Тадбиркорларга мадад бўлиш — фаолиятимизнинг асосий мезонига айланса, бундай нуқсонлар, низоларнинг олди олинади.

Оталар дейдики:

Кимда саҳоват бўлса, шижоатга ҳожат йўқ.

* * *

Бировларга муте бўлгандан, йўқчиликда ўлган яхши.

* * *

Ақл нафс қўлида шундай гирифтордурки, худди ожиз эркак шаллақи хотин қўлида бўлгандай.

* * *

Бировнинг дилини бир марта оғритиб, кетидан юз марта яхшилик қилсанг ҳам ўша бир ранжнинг яраси битмагай, чунки ўқни ярадан чиқариб олса бўлади, аммо озор дилда қолади.

Газета ёрдам қилди

Таҳририятимизга Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Навоий номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи бир гуруҳ кишилардан шикоят хати келди. Унда жумладан, шундай дейилади:

"Гап шундаки, ширкат хўжалиги ҳудудида водопровод тармоғи мавжуд бўлса-да, сўнгги пайтларда босим камайгани боис сув умуман келмай қўйди. Шундан сўнг қудуқ қазилиб, унинг суви водопровод тармоғига уланди. Афсуски, қудуқ суви бироз шўр экан. Шу сабабли ширкат хўжалиги маъмурияти томонидан ичимлик сувини транспортда ташиб тарқатиш йўлга қўйилганди. Табиийки, ҳозирда транспортда ташиб келтириладиган сув эҳтиёжимизни тўлиқ қондира олмаяпти.

Газ таъминоти ҳам қониқарли эмас. Айниқса, қиш кунлари босим камайиб, газ жуда кам келади.

Хўжалик ҳудудида АТС бўлса-да, ички телефон алоқаси йўқ. Бирор киши қасал бўлиб қолса, "Тез ёрдам" чақиришга қийналамиз.

Яна бир муаммо шундаки, ширкат хўжалиги бошқаруви раҳбарияти фермер хўжаликлари ривожига етарли даражада эътибор бермаяпти. Жумладан, "Абдусаттор" ҳиссадорлик жамияти, "Феруза", "Иззат" фермер хўжаликларига кераклича ер берилмагани боис, улар сомон, ем-хашакни четдан сотиб олишмоқда. Чунончи, тақрорий экин экиш учун ер берилмади. Натижада ҳосили ўриб олинган ерлар кузгача бўш ётди. Холбуки, бу ерларга такрорий экин экиш мумкин эди. Юқоридаги муаммоларни ҳал этишга имкон қадар ёрдам берсаларингиз".

Б.НИЗОМОВ, С.ҚУДРАТОВ.

МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

Мухбиримиз ушбу шикоят хати юзасидан Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Раҳматилла Абдуллаев билан учрашди.

— Жамоа хўжалигимиз ҳудуди вилоятимизнинг энг четида жойлашган. Гарчи водопровод қувури ва газ тармоғи мавжуд бўлса-да, улар бир қанча хўжаликларни айланиб келади. Биз сўнгги нуқта бўлганимиз учун ичимлик суви ва газ таъминотида узилиш бўлиб турарди, — дейди Р.Абдуллаев. — Аввало, сув ҳақида тўхталсак. Чиндан ҳам, сўнгги пайтларда водопровод тармоғидан ичимлик суви деярли келмай қолганди. Аниқроғи, водопровод суви кўшни жамоа хўжалиги ҳудудидан бери ўтмасди. Сабаби сувга бўлган эҳтиёж ортиб бораяпти, янги уй-жойлар қурилмоқда. Шу боис кўшни жамоа хўжалигига ёндош бўлган ердан қудуқ қазидик. Унинг суви водопровод линиясига уланди. Қудуқ суви бироз шўр экан. Шу сабабли аҳолига ичимлик сувини транспортда ташиш йўлга қўйилди. Баъзи маҳаллаларда транспорт воситасида сув ташиб келтиришда узилиш борлиги аён бўлди. Газета аралашгач, ҳар бир маҳаллага (жами 4 та маҳалла) 4 тадан транспорт ажратилди. Ҳозирда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш қатъий график асосида амалга оширилмоқда. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласи 2002 йилда тўла-тўкис ҳал қилинади. Яъни шаҳар водопровод тармоғидан тўғридан-тўғри (10 км) сув олиб келиш режалаштирилган.

Табиий газ муаммоси яқинда ҳал қилинди. Ўтган йили шаҳар газ тармоғидан (10 км.дан зиёд) газ қувури тўғридан-тўғри тортиб келинди. Бир ой бўлди хонадонларимиз шаҳар тармоғига уланган газдан фойдаланишмоқда.

Наврўз байрами арафасида болалар боғи ва бассейни фойдаланишга топширилади. Жорий йилда шунингдек, поликлиника ҳам қурилиб, аҳолига хизмат кўрсата бошлайди.

Энди фермерлар масаласига келсак. Ширкат хўжалиги бошқаруви "Абдусаттор" ҳиссадорлик жамияти билан 2000 йили минг тонна силос етиштириб беришга шартнома тузганди. Шартномада кўрсатилишича, ушбу жамият силосни ўз кучи билан ўриб олиши керак эди. Афсуски, ҳосилни ўриш жараёнида комбайн бузилиб қолади. Ўша майдонча кузги буғдой экилиши лозим эди. Шу боис ўрилмай қолган силосни деҳқонларга бўлиб бердик. Улар ҳосилни ўриб олишгани заҳотиёқ кузги буғдой экдик.

2001 йилги вазият шундай бўлди: бу гал "Абдусаттор" ҳиссадорлик жамияти билан силос етказиб бериш ҳақида ўзаро шартнома тузилмаган. Ҳиссадорлик жамияти раиси хўжалигимизда етиштирилган силосни биз таклиф этган нархда сотиб олишга рози бўлмади...

Фермер хўжаликларига ёрдам тариқасида буғдой ўриб олинган майдонларга такрорий экин экиш учун ер ажратиш тажрибасини қўллай бошлагандик. Юқоридаги ҳолат бу масалада етти ўлчаб, бир кесиш лозимлигини тақозо этмоқда. Бу масалани баҳорда яна ўйлаб кўрамиз.

Газета аралашганидан сўнг "Бозорбой ота" фермер хўжалиги раисининг илтимосига кўра у фойдаланаётган 3 гектар ер яшаб турган ҳудудга яқинроқ жойдан берилди.

"Абдусаттор" ҳиссадорлик жамияти билан ширкат хўжалиги ўртасида тузилган шартномага асосан 10 гектар ерини ҳайдаб буғдой экиб бердик. Алмашлаб экиш натижасида баъзи бир фермер хўжаликларига қарашли ерларга экин экилгани боис уларга 2002 йил ҳосили учун экинларни жойлаштириш режасига асосан экин экилган майдонга тенг миқдорда ер берилади.

Кўйинидан тўкилса қўнжига, деб бежиз айтилмаган. Хўжаликларни янгича шакл ва усулда бошқаришга ўтиш жараёни осонлик билан кечаётгани йўқ. Истасак-истамасак-да, муаммоларга дуч келяпмиз. Уларни ички имкониятларга қараб бирин-кетин ҳал этишга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳусан ИБРОҲИМОВ, "Инсон ва қонун" мухбири

Ҳуқуқий саводхонлик сари

ТАДБИРКОРЛИКДА МЕНЕЖМЕНТ

Корхоналар (фирмалар) ишлаб чиқариш фаолиятининг энг муҳим элементларидан бири менежментдир. Менежмент махсус бошқарув фаолияти бўлиб, вақт ўтган сайин такомиллашиб, ўзгариб боради. Менежмент ёки бошқаришнинг объекти корхона фаолияти, субъекти эса бошқариш ишини бажарувчи идора ва унинг ходимларидир. Менежмент иши — корхона фаолиятига тегишли қарор қабул қилиш ва унинг ишини ташкил этишдаги юқори, ўрта ва қуйи поғоналардан иборат.

Ғарб иқтисодий адабиётларида менежмент бошқарув фаолиятининг икки кўриниши фарқлаб кўрсатилади:

1. Техник фаолият. Бу маълум бир соҳа ва тармоқларда ишлатиладиган материаллар, техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиб, ўзлаштириб олишдан иборат.

2. Менежментнинг бевосита бошқарув фаолияти. Бунда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва шу жараёнда ходимларнинг ҳаракатда бўлишини уюштириш ҳамда доимий назорат қилиш назарда тутилади.

Шуни айтиш жоизки, одамларни ишлата билиш маҳорати менежерга хос хислат бўлиши лозим.

Ҳозирги замон иқтисодиётида менежмент ва уни амалга оширадиган менежер учун энг муҳими — бевосита бошқарув фаолиятидир. Менежмент фаолиятининг асосий тамойиллари жаҳон тажрибасида қуйидагиларни ҳисобга олади:

— менежмент ишлаб чиқаришга одамларни жалб этиш, жипслаштириш, қобилиятини намоён этиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш;

— менежментнинг энг муҳим масалалардан бири ўз минтақасидаги миллий хусусиятни ҳисобга ола билишидир;

— менежмент корхона (фирма) олдида турган вазифани аниқ таърифлай олиши керак. Чунки вазифанинг аниқ вақти белгиланган бўлса, бажарилиши осон бўлади;

— менежментнинг яна бир муҳим вазифаларидан бири ишлаб чиқариш ва унинг технологиясини доимий равишда мукаммаллаштириб, ходимлар маҳоратини ошириб боришидир. Корхонадаги ишчи — ходим ўз малакаси ва билимига яраша вазифани бажаради. Менежмент шу одамлар ўртасидаги мулоқот ва ҳар бирининг шахсий масъулиятини кучайтириб, уларга таяниб иш юритиши керак;

— менежмент корхона (фирма) фаолиятини доимий равишда ўрганиб бориши, йўл қўйилган хато — камчиликлар бўлса, уни тузатиш чораларини кўриши, шунингдек, корхоналарнинг ички аҳволи ташқи таъсирни ҳам ҳисобга олиши, бозор фаолиятини пухта билиши зарур;

Мустақил корхоналар (фирмалар) — тегишли тарзда ташкил этилган ва муайян неъматларни ишлаб чиқариш мақсадида мувофиқлаштирилган моддий ҳамда иш кучи ресурсларининг бирлашмасидир. Бундай анчагина мавҳум таърифни жуда кичик (5-10 киши ишлайдиган) корхоналар учун ҳам, "Женерал моторс" (салкам 900 минг киши ишлайдиган) туридаги катта корхоналар учун ҳам қўлласа бўлади.

Ишлаб чиқариш жиҳатидан фирма ташкил этиш ўз ичига қуйидагиларни олади:

1) умумий вазифаларни таърифлаш (фирма нималарни қандай мақсадда ишлаб чиқаради);

2) ишнинг аниқ турлари вазифаларини белгилаш (ишлаб чиқариш, молия операциялари, тижорат ва ҳоказолар учун);

3) бўлинмалар учун вазифаларни ўртага қўйиш;

4) ваколат бериш (ким, нима иш, қандай ҳажмда қилиши керак ва бажарилган иш учун ким олдида ҳисоб бериши керак);

5) қарор қабул қилинишининг самарадорлигини, иш ҳаракатини назорат қилиш ва мувофиқлаштирилишини таъминлайдиган коммуникациялар тизимини йўлга солиш;

6) ташқи муҳитга нисбатан сезгирликни таъминлаш.

Фирма ташкилий қурилишига илмий-техникавий, омиллар, иқтисодий конъюктура ҳамда хўжалик фаолияти меҳнат харажатлари ва ҳоказолар таъсир кўрсатади.

Компания мақсадларига эришгандагина фирманинг ташкилий тузилиши самарадор ҳисобланади. Одатда ҳар бир фирма миқёс ва фаолиятининг ўзига мослигидан қатъий назар, ўз олдига бир талай мақсадларни қўяди. Бунда улар қанчалик аниқ ва равшан бўлса, уларга эришиш учун тегишли истиқболни танлаш шунчалик осон бўлади. Фирманинг истиқболи деганда эса, мақсадга энг мақбул тарзда эришиш учун ресурслардан қандай фойдаланиш борасидаги кенг миқёсли концепция тушунилади.

Н.БЕКНОЗОВ, У.ТУРҒУНОВ, С.ҚУРБОНОВ, ТДЮИ ўқитувчилари

ЎҚИГАНИНИ УҚМАГАНЛАР ЁКИ ҚОНУННИ МЕНСИМАСЛИК ОҚИБАТИ

"Гапни гапир уққанга", деган нақл тўғри айтилган экан. Бу нақлни Пахтаобод туманидаги "Кўконқишлоқ" пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раҳбарларига яна бир бор эслатиб қўйишга тўғри келди. Нега дейсизми?!

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-сонли қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида"ги Низомни кўконқишлоқлик рахбарлар ўқишгану уқишмаган экан.

Фармоннинг 6-банди ҳамда Низомда "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаларига пахта хомашёсини харид қилиш ва қайта ишлаш юзасидан пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузиш вазифаси юклатилган. Пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти (раиси Мамазокир Юсупов) эса ана шу талабларга зид равишда ҳеч қандай қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш билан шуғулланмайдиган Пахтаобод туман "Нуроний" жамғармаси билан 2002 йилда пахта хомашёсини харид қилиш бўйича 28-сонли контрактация шартномасини тузган. Бундай шартнома 2001 йил учун ҳам тузилган ва амалда бўлган.

Туман шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бош инспектори А.Абдулазизов эса бу ноқонуний шартномани рўйхатга олган. Нима эмиш, жамғарма айрим фермер хўжаликлари томонидан етиштириладиган пахта ҳисобига контракация шартномаси тузган эмиш. Қишлоқ хўжалиги корхонаси бўлмаган ташкилот 124 тонна пахта хомашёси етказиб бериш мажбуриятини олибди...

Бошқармамиз ходимлари томонидан ўтказилган текширишларда аниқланган бундай ноқонуний шартнома вилоят хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилди. Мазкур шартнома туман инспекциясидаги давлат рўйхатидан чиқарилди. Айбдорлардан жарима ундирилди.

Исроилжон УСМОНОВ, Андижон вилояти

Адлия тизими

НАМАНГАН

Вилоят адлия бошқармаси томонидан 2001 йил давомида шартнома интизоми бузилиш ҳолатлари бўйича жами 488 та (591.051.381 сўмлик) даъво аризаси хўжалик ва фуқаролик судларига киритилди.

Шундан:

— 56 таси ширкат хўжаликларининг манфаатини кўзлаб (363.808.630 сўмлик);

— 29 таси фермер хўжаликлари манфаатини кўзлаб (139.167.080 сўмлик);

— 25 таси деҳқон хўжаликлари манфаатини кўзлаб (464.044 сўмлик);

— 342 таси оилавий пудратчилар манфаатини кўзлаб (474.479.074 сўмлик);

— 36 таси бошқа хўжалик субъектлари манфаатларини кўзлаб (13.132.553 сўмлик) даъво аризалари киритилди.

Бундан ташқари, тайёрлов корхоналари ва хўжаликларга 28 та (595.277.420 сўмлик) тақдимномалар киритилиб, ушбу тақдимномалар асосида (478.775.841 сўмлик) берилмасдан келинаётган маҳсулот ҳақлари ундириб берилди.

Кичик ва ўрта тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб судларга 63 та, (89.413.650 сўмлик) даъво аризаси киритилди ва ҳокимлилар ҳамда назорат қилувчи идораларга тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида 31 та тақдимномалар юборилди.

ТОРТИБ ОЛИНГАН ЕР

ФЕРМЕРГА ҚАЙТАРИБ БЕРИЛДИ

Қишлоқ жойларда кичик ва ўрта бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида Наманган вилоятида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Бироқ ютуқлар билан бирга йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ўтган 2001 йил давомида вилоят адлия бошқармаси томонидан шартнома интизомини бузилиш ҳолатлари бўйича жами 488 та (591.051.381 сўмлик) даъво аризаси хўжалик ва фуқаролик судларига киритилди. Аризаларнинг аксарияти қишлоқ жойларда иш юритаётган фермер хўжаликларининг бошлиқлари, деҳқон хўжалик эгалари, оилавий пудратчилар ва бошқа иш юритувчи субъектлардир.

Ариза ва шикоятларни чуқур ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳамон жойларда эскича иш юритишдан воз кеча олмаётган маҳаллий раҳбарлар учраб турибди.

Ўтган йили Уйчи туманидаги "Гулбоғ" фермер хўжалиги бошлиғи М.Имомов бизга ариза билан мурожаат қилди. У ўз шикоятида 1994 бери "Ғайрат" ширкат хўжалиги ҳудидидан 9,3 гектар ер олиб, чорвачилик билан шуғулланаётгани, ҳар йили шартномада кўрсатилган режаларни бажариб келаётганлигини баён этади. У фермер хўжалиги ишини янада ривожлантириш бўйича хўжалик ва туман раҳбарларидан ёрдам сўрайди. Бироқ тегишли кўмак ололмайди.

Ариза вилоят адлия бошқармасининг ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди. "Ғайрат" ширкат хўжалиги ва Уйчи тумани ҳокимлигининг мутасадди раҳбарлари томонидан иш юритишда жиддий нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

"Гулбоғ" фермер хўжалиги Уйчи тумани ҳокимлигининг 1998 йил 18 сентябрдаги 09/327 сонли қарори билан давлат рўйхатидан ўтган. Кейинги йилларда ушбу хўжаликда боқилаётган қорамоллар сони 55 тага етган. Ушбу муносабат билан фермер қўшимча ер сўраб ёзма равишда ширкат ва туман ҳокимлигининг мутасадди раҳбарларига мурожаат этади. Фермер "Ғайрат" ширкат хўжалиги вакиллар йиғилишининг қўшимча ер майдони ажратиб бериш ҳақидаги 2000 йил 29 сентябрдаги 5-сонли қарорини ҳамда туманда ташкил этилаётган деҳқон ва фермер хўжаликларининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини кўриб чиқиш ва уларни рўйхатга олиш комиссиясининг 2000 йил 17 октябрдаги хулосасини 2000 йилнинг 30 октябр куни туман ҳокимлигига расмий равишда топширган.

Бироқ, 2000 йил 16 ноябргача туман ҳокимлиги томонидан ҳеч қандай қонуний жавоб бўлмаган. Фермер 2000 йил 16 ноябрда такроран иккинчи аризани ёзади. Иккинчи ариза Уйчи туман ҳокимлиги девонхонаси томонидан рўйхатга олинади. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Тошбоев номига назорат карточкаси очилган. Шунга қарамай 01/01-724 сонли хат 2001 йилнинг 5 мартигача туман ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасида ишловчи шахснинг тортмасида эътиборсизларча сарғайиб етади.

Натижада "Гулбоғ" фермер хўжалиги томонидан кузги ва баҳорги дала ишларини амалга ошириш, 2001 йил ҳосили учун тузиш керак бўлган шартномаларни тузиш ишлари амалга оширилмаган. Оқибатда фермер хўжалигининг бошоқли дон экилган майдонларига туман "Агрокимётаъминот" акциядорлик жамиятидан менирал ўғитлар ололмаган. Шартномалар тузилмаганлиги сабабли марказлашган ҳолда келаётган транш пуллари фермер хўжалигининг ҳисоб-рақамига келиб тушмаган.

Уйчи тумани ҳокимлиги мутасадди раҳбарлари юқорида йўл қўйган хато ва камчиликлари билан **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Қонуннинг 7,11 моддасининг талабларини бузишган.

Вилоят адлия бошқармасининг масалага бевосита аралашуви билан юқоридаги камчиликларга барҳам берилди. Худди шундай ҳолат Мингбулоқ туманида ҳам содир этилган. Тумандаги "Омонбойота-98" номли фермер хўжалиги бошлиғи А.Омонов вилоят адлия бошқармасига ёзма равишда мурожаат этади.

"1998 йилнинг декабр ойида Мингбулоқ тумани ҳокимининг қарори билан "Омонбойота-98" фермер хўжалигини ташкил этган эдик, — дейилади аризада, — Экин майдонимиз 101,6 гектарни ташкил этарди. Икки йил ишладик. Ер майдонининг кўплиги учун қийналиб қолдик. Туман ҳокимлигига еримизни озайтириб бериш ҳақида ариза ёздик. Туман ҳокимининг қарори чиқди. Бироқ бизга тегишли ерни ажратиб беришга келганида турли хил мажоралар ва келишмовчиликлар юзага келди. Натижада "Гулистон" ширкат хўжалиги раиси М.Эгамбердиев ва хўжалик ер тузувчиси С.Фозилов, бўлим бошлиғи В.Отабоевлар менга қарашли бўлган 33 гектар ерни тортиб олдилар".

Мазкур ариза ҳам вилоят адлия бошқармасининг бевосита аралашуви билан атрофлича ўрганиб чиқилди ва ниҳоят ер эгасига қайтариб берилди.

Жамолиддин ЭРГАШЕВ, Наманган вилояти

Ҳуқуқий маърифат

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР УСТУВОР

"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтарди.

Мазкур қонуннинг аҳамияти шундаки, қонунчилик амалиётида биринчи марта амалдаги кодексларга ўзгартиришлар киритувчи ёки уларни тўлдирувчи нормалар моҳиятига кўра амалдаги қонунларнинг орқага қайтиш кучига эга эканлиги эътироф этилди. Шунингдек, жиноий таъқиб этиш ва жиноятларни судда кўришнинг асослари ҳамда асосий тамойиллари умумэътироф этилган халқаро меъёрларга уйғун ҳолда белгилаб берилди.

Хўш, мазкур қонунда Жиноят-процессуал Кодексига қандай янги меъёрлар киритилди.

Бугунги баҳсимиз ана шу ҳақда.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларни маъно-моҳиятидан келиб чиқиб, уч гуруҳга бўлиш мумкин.

Қўшимчалар ва ўзгартишларнинг биринчи гуруҳини асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва эҳтиётсизлик туфайли содир этилган жиноятлар учун жазонинг энг юқори муддатлари ва жарима миқдорларини камайтирувчи меъёрлар ташкил этади.

Киритилаётган ўзгартиришларнинг иккинчи гуруҳи — бу Жиноят Кодекси ва Жиноят-процессуал Кодексининг барча моддаларидан **"мол мулкини мусодара қилиш"**нинг жазо чораси қаторидан чиқаришни назарда тутувчи меъёрлардир.

Учинчи гуруҳга — жиноятлар турларини янги таҳрирда ифодаловчи қуйидаги ҳуқуқий меъёрлар киради:

1. Жиноят-процессуал Кодексининг **"Айбланувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари"** деб номланувчи 46-моддасининг 1-қисми ҳам янги таҳрирда берилган бўлиб, бу эски таҳрирдаги қисмдан фарқли тарзда айбланувчига қўшимча тарзда суднинг ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича мажлисида, апелляция инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиши, суднинг рухсати билан кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида ҳам иштирок этиш ҳуқуқлари билан тўлдирилди.

2. Кодекснинг "Гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари" номли 48-модда 1-қисмига киритилган ягона қўшимча шундан иборатки, гумон қилинаётган шахсга суднинг ярашув ҳақидаги ишлари бўйича мажлисда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

3. Кодекснинг 55-моддаси 1-қисми таҳририни ўзгартиш билан жабрланувчининг ҳуқуқлари ҳам кенгайтирилди.

Энди жабрланувчи ўзининг бошқа ҳуқуқлари қаторида қўшимча равишда ярашиш ҳақида ариза бериш ҳуқуқи ҳамда суднинг ярашув ҳақидаги ишлар бўйича мажлисларида, апелляция ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди.

4. Кодекснинг қамоқ эҳтиёт чорасига оид 242-моддаси қуйидагича таҳрирда ўзгартирилди:

Агар илгари қамоққа олиш эҳтиёт чорасини бир йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар бўйича қўллаш мумкин бўлган бўлса, эндиликда фақат уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазо чораси назарда тутилган жиноятларни қасддан содир этган ва беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш назарда тутилган эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин. Фақат алоҳида ҳолларда бу муддатлардан кам жазо кўзда тутилган жиноятлар бўйича ҳам мазкур эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин.

Бунда, албатта, қилмишнинг ва уни содир этган фуқаронинг шахси, ижтимоий хавфлилиги, жиноятнинг оқибатлари инобатга олиниши лозим.

5. Кодекснинг 245-моддасида назарда тутилган жиноятлар тергов қилинаётганда қамоқда сақлаб туриш муддатлари тубдан ўзгартирилди.

Эндиликда умумий қоидага кўра дастлабки тергов пайтида қамоқда сақлаш уч ойдан кўп вақт давом этиши мумкин эмас.

Бу муддат тергов тамомланишининг имкони бўлмаган ҳолларда ва эҳтиёт чорасини ўзгартириш учун асослар бўлмаган тақдирда узайтирилиши мумкин.

Яъни, беш ойгача узайтириш Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг, етти ойгача — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг, тўққиз ойгача фавқулодда ҳолатларда эса бир йилгача узайтириш — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг мутлоқ ваколатига тааллуқли эканлиги белгилаб қўйилди.

6. Кодекснинг дастлабки тергов муддатларига бағишланган 351-моддаси ҳам ушбу моддага мувофиқлаштирилди.

Эндиликда дастлабки тергов жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда тамомланиши лозим.

Тергов муддатларини узайтириш тартиби ва муддатлари қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш тартибига мос келади.

7. Фақат тергов қилиш ва қамоқда сақлаш муддатларини эмас, балки судларда ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, шунингдек, жиноят ишларини судда кўриш тартибини соддалаштириш ҳам жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини либераллаштириш ва демократлаштиришнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шу муносабат билан Жиноят-процессуал Кодексининг 405-моддаси таҳрири ўзгартирилганлиги ҳам катта аҳамият касб этади.

Унга кўра, суд жиноят ишини кўриб чиқишни, у томонидан ишни судда муҳокама қилишни тайинлаш ҳақида қарор чиқарилган пайтдан эътиборан ўн беш кун эмас, балки ўн кун давомида кўриб чиқишни бошлаши шарт.

Бундан ташқари, ишларни судда кўриб чиқиш муддатлари ва уларни узайтириш тартиби мазкур кодексга биринчи марта киритилмоқда.

Чунончи, жиноят ишини мазмунан ҳал қилиш суд томонидан бу ишни кўриб чиқиш бошланган вақтдан бошлаб узоғи билан икки ой муддат давомида тугалланиши лозим.

Бу муддат Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари ва Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди раиси томонидан тўрт ойгача узайтирилиши мумкин.

Фавқулодда ҳолатларда ҳам фақат мураккаб ва кўп эпизодли ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари томонидан беш ойгача ва Олий суд раиси томонидан олти ойгача муддатга узайтирилшига йўл қўйилади

Барча ҳолларда ишни судда кўриб чиқиш муддатини узайтириш биринчи инстанция судининг ажрими асосида амалга оширилади.

8. Мамлакатимизда жиноят ишларини судда кўриш жараёнларини соддалаштириш Жиноят Кодексига ярашиш муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш институти киритилиши билан боғлиқдир.

Шу муносабат билан Жиноят процессуал Кодекси бешта моддадан иборат бўлган янги, 62-боб билан тўлдирилди.

Ушбу бобда ярашув ҳақидаги ишларни судда кўришнинг тартиби ва механизми белгиланган.

Чунончи, Кодекснинг 582-моддасида қайд қилинишича, ярашиш муносабати билан фақат Жиноят Кодексининг 66-1 (прим) моддасида назарда тутилган жиноятлар ҳақидаги ишларгина тугатилиши мумкин.

583-моддада ярашув ҳақидаги аризаларни келтириш ва қабул қилиш тартиби баён қилинган.

Бу ҳаракатнинг ўзига хос жиҳати шундаки, ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) томонидан дастлабки тергов қилиш ва суд муҳокамасининг ҳар қандай босқичида, лекин суд маслаҳатхонага кириб кетмасидан олдин берилиши мумкин.

Бундан ташқари, агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, ярашув ҳақидаги иш фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилганидан кейингина кўрилиши мумкин.

584-модда ярашув ҳақидаги жиноят ишининг судга юборилиши тартибини белгилайди.

585-модда ярашув ҳақидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жараёнининг ўзига бағишлангандир.

Ишларни судда муҳокама қилинишининг бу турини ўзига хос хусусияти шундан иборатки, суд айбланувчининг айби исботланганлиги ҳақидаги масалага чуқур кириб бормай, балки эътиборни асосан қуйидаги масалаларга, яъни:

— томонлар ярашувининг ихтиёрийлиги;

— айбига иқрор бўлишнинг ихтиёрийлиги;

— келтирилган зарарнинг қопланганлиги;

— ушбу қилмишда оғирроқ жиноят таркибининг йўқлигига қаратади.

Ана шу шартлардан биронтаси бўлмаган тақдирда суд ишни умумий қоидалар бўйича дастлабки тергов юритилиши учун прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Ислом УМАРОВ,
ҳуқуқшунос

Савол беринг!

Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

МУЛОҚОТ

"Инсон ва қонун" газетасига мурожаат қилар эканман, ўзимни қизиқтирган қуйидаги саволга жавоб топмоқчи эдим:

1966 йилдан бери "Оқчава" хўжалигида ишлаб келаётган эдим. 1999 йилга келиб, раҳбарият "хўжалик санацияга тушди" дея мени ишдан бўшатишди. Ўша оғзаки айтилган гап бўйича ҳозиргача ишсиз юрибман. Мендан бошқалар эса ҳеч қандай ўзгаришсиз ишлаб юришибди. Мен бу тўғрида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигига мурожаат этган эдим. Улардан хат келгач, хўжалигимиз раҳбари менга "бўлди, ишлайсан", деб ваъда берди. Аммо ҳамон ишсизман... Ишлаб юрган давримдаги охирги иш ҳақим ҳам қолиб кетди. Болаларимга берилиши керак бўлган нафақа пулини ҳам ололмаяпман.

Энди кимга, қаерга мурожаат қилсам, менга ёрдам беради?

Элмурод СУЛТОНОВ,
Қашқадарё вилояти, Чироқчи туман, "Оқчава" жамоа хўжалиги

Бу саволга ҳуқуқшунос Ғайрат ЭРМАТОВ шундай жавоб беради:

— Сизнинг берган бу саволингизни ўрганиб чиқиб, шуни айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси **"Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш тўғрисида"**ги Қонунининг ҳамда Меҳнат Кодексининг тегишли моддаларидан (100-модда) қишлоқ хўжалик корхонасининг санацияга тушиши сабабли ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўла олиши ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Демак, ушбу ҳолат бўйича иш берувчи сизни асоссиз ишдан бўшатган деб топилади.

Меҳнат Кодексининг 102-моддасига асосан иш берувчи ходимни ишдан бўшатишдан камида икки ҳафта олдин огоҳлантириши лозим. Бундан ташқари Меҳнат Кодексининг 109-моддасида ишдан бўшатиш нафақасини тўланиши ҳақида гапирилади. Унга кўра, ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Шу Кодекснинг 110-моддасида эса меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга тегишли иш ҳақини иш берувчи томонидан тўлаш муддатлари белгиланган. Унга кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинган кунга қадар ишлаётган ходимга меҳнат шартномаси бекор қилинган куни берилиши лозим.

Болаларингизга бериладиган нафақа пулига келсак, янги қонунчиликка мувофиқ болаларга нафақа пуллари тегишли маҳалла қўмиталари томонидан берилади.

Сиз ушбу масала юзасидан тегишли фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилишингиз мумкин.

ҲАДЯ: У ЎЗ-ЎЗИДАН БЕРИЛАДИМИ?

ЙЎҚ. УНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ МАВЖУД. ХЎШ, СИЗ БУ ҲАҚДА НИМАЛАР БИЛАСИЗ?

Жамиятимизда ҳар бир жабҳада қонун устуворлигига эришилаётгани қувончлидир. Турмушнинг ҳар бир соҳасида, ҳаттоки шахсий-оилавий муносабатлар ҳам қонун асосида қурилмоқда. Шу маънода айтиш керакки, нотариуслик фаолиятида кўп учрайдиган ҳадя масаласи оилавий муносабатлар сирасига киради. Демак, фуқаро ўзининг яқин кишисига, айтайлик, ота — ўз фарзандига, ака — укасига, тоға — жиянига бирор нарсани ҳадя қилмоқчи бўлса, қонун асосида ҳадя шартномаси тузилиб, нотариал тасдиқдан ўтказилиши керак.

Фуқаролик Кодексининг 31-бобида ҳадянинг қонуний асослари белгилаб берилган. Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, ҳадя шартномаси нима? Ушбу Кодекснинг 502-моддасида шундай деб ёзилган:

— Ҳадя шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчига) ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятдан озод қилади ёйинки озод қилиш мажбуриятини олади.

Ҳадя шартномаси ўзаро келишувга асосланган икки ёқлама битим ҳисобланади. Албатта, унда ҳадя қилинаётган нарса аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Ҳадянинг текинга берилиши ҳадя шартномасига хос хусусиятлардир. Ҳадя шартномасини биронбир шарт асосида тузиш ва тасдиқлаш ҳам мумкин.

Агар бекор қилинаётган ҳадя (кўчмас мулк) шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, уни бекор қилиш қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Ҳадя шартномасини бекор қилиш ҳақидаги келишув нотариал тартибда тасдиқланади ва рўйхатдан ўтказилади.

Хайр-эҳсонни қабул қилишга бирор кимсанинг рухсати ёки розилиги талаб қилинмайди.

Албатта, ҳадя олиш ҳам осон эмас, ҳадя берувчи ва олувчининг шахси, уларнинг қариндошлик даражаси фуқаролик ҳужжатлари асосида аниқланади.

Ҳадя тўғрисидаги қонунларимизда ҳаттоки камчиликлари бўлган мол-мулкни ҳадя қилиш оқибатида ҳадя олувчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг қандай қопланиши ҳам белгилаб қўйилган.

Демак, ҳадя олган ҳар бир фуқаро бу соҳадаги қонун талаблари ва шартларидан хабардор бўлса, фойдадан холи эмас.

Инобатхон
МАМАДАЛИЕВА

УЙ-ЖОЙ НИЗОСИ

У ЭР-ХОТИН ЎРТАСИДА ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛАДИ?

Аввало, шуни айтиш керакки, эр-хотинлар ўртасида юзага келган уй-жойга тааллуқли ҳар қандай низо суд тартибида ҳал қилинади.

Оила кодексининг 23-28-моддаларида эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган. Жумладан, никоҳга қадар бўлган мол-мулк эр-хотиннинг ҳар бирининг ўзиники ҳисобланади. Уларнинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, умумий мулк саналади.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш жоизки, эр-хотин ўртасида юзага келган уй-жой низосига оид вазиятларда асосан хотинлар азият чекишади. Биз шуни инобатга олиб, келиннинг уй-жойдаги ҳақ-ҳуқуқлари хусусида фикр юритишни лозим топдик. Қайнота-қайнонанинг эгалигида бўлган уй-жойга келин бўлиб тушган аёл қанча вақт яшашидан қатъи назар, бу хонадондан фойдаланиш ҳуқуқигагина эга бўлади. Агар аёл эри билан бирга турмуш даврида келин бўлиб тушган ҳовлида яшаш учун уй эгасининг розилиги билан бирон-бир иморат қурган бўлса, у ҳолда шу қурилган иморатга нисбатан эгаликка даъво қилиш ҳуқуқига эга. Агар никоҳга қадар эрининг мулки бўлган шахсий участкасига аёл келин бўлиб тушса, эри билан биргаликда ҳовли-жойга қўшимча хона қурса, таъмирласа, эрининг шахсий мулки бўлишидан қатъи назар, аёлнинг қурилишдаги ҳиссаси мавжуд бўлган тақдирда, бу эр-хотиннинг умумий мулки ҳисобланади. Мабодо, турмуши бузилиб, эр-хотин ажрашишганда, аёл ўз улушига эгалик қилишга ҳақлидир.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки эр ва хотин ўртасида ўзаро келишув асосида бўлиб олиниши мумкин. Эр ва хотиннинг хоҳиши билан уларнинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги ўзаро келишув нотариал тартибда тасдиқланади.

Низо туғилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш, шунингдек, уларнинг бу мол-мулкдаги улушини аниқлаш суд тартибида амалга оширилади.

Никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан 3 (уч) йиллик даъво муддати қўлланилади.

Т.ҚОРЁҒДИЕВ,
ҳуқуқшунос

Гоҳо қувонтириб, гоҳ зериктириб қиш ҳам ўтиб бораётир...

Ҳақ берилмайдур, олинадур

ҚОНУННИ ЧЕТЛАБ ЎТИШ МУМКИН ЭМАС

Халқимиз "табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб", деб бежиз айтмаган. Айтайлик, бирон-бир корхона ёки ташкилотда ўз касбу корингиз орқасидан тинч ва хотиржам меҳнат қилиб, олган маошингиз эвазига рўзғор тебратиб келаётган эдингиз. Нима бўлди-ю, кутилмаганда, корхонангиз раҳбарига, тўғрироғи, унинг хоҳиш-иродасига ёқмай қолиб, оқибатда ноҳақ ишдан бўшатилдингиз. Бу кўргулик оқибатида асабларнинг зор қақшашини, адолат қарор топгунча унинг бир неча марта эгилиб, букилиб кетганини бошидан ўтказгандан сўранг. Одатда, бундай вазиятда фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этилади. Қарши туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг судьяси Абдихалил Соатов билан қилган суҳбатимиз ҳам айни шу ҳақда бўлди.

— Қарши туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига "Ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи, маънавий зарар ундириш" бўйича киритилган даъво аризаларини кўриб чиқиш ёки адолатли қарор топтириш масалалари ишимизнинг асосий қисмини ташкил этмоқда.

Айтайлик, соҳада қонунбузарлик рўй берди. Бироқ ўша қонунбузарлик исботлангунча ёки ҳақиқатни юзага чиқаргунча ишнинг нозик томонларига эътибор қилиш, бошқача айтганда, "қилни қирқ ёриб" ўрганишга тўғри келади. Чунки даъвогар ҳам, жавобгар ҳам ўзининг ҳақлигини исботлашга уринади.

Мисол учун айтадиган бўлсак, судга даъво аризаси билан мурожаат этган Ш.Сафарова 1999 йил январ ойидан бошлаб Нишон туман халқ таълими бўлими мудираси бўлиб ишлаб келган. 2001 йил 22 март куни Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармасининг навбатдаги коллегияси мажлисида Нишон туман халқ таълими бўлимида ўтказилган тафтиш якунлари масаласи кўрилган. Ш.Сафарова бетоб бўлишига қарамай, мажлисда иштирок этган ва иш берувчининг қистови билан мажбуран ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиб берган. Кейин касалхонада даволаниш жараёнида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи номига ишдан бўшаш ҳақидаги аризасини оқибатсиз қолдириш ҳақида икки марта ёзма мурожаат қилганига қарамай, 2001 йил 6 апрел куни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг 12-Х сонли буйруғи билан ишдан бўшатилган. У суддан мазкур буйруқнинг қонунсиз эканини, ўз ишига тиклаш ва мажбуран бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундиришликни сўраган. Судда жавобгар сифатида сўралган вилоят халқ таълими кадрлар бўлими бошлиғининг Ш.Сафаровани ишдан бўшатиш жараёни унинг ўз аризаси бўйича тўғри амалга оширилгани ва унга тегишли даъвогарлик даъвосини рад этишни сўраганига қарамай,бир нечта гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосланиб ҳамда Олий суд пленумининг "Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида"ги 12-сонли 1998 йил 17 апрел Қарорининг 15-моддаси ва Меҳнат Кодексининг 99-моддалари асосида даъвогарнинг даъвосини тўғри деб баҳолаб, уни қаноатлантиришни лозим топди. Даъвогар Шароф Сафарова аввалги лавозимига ишга тикланди ва унга мажбурий бекор юрган кунлари учун Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармасидан 33180 сўм ундириб берилди. Шунингдек, судга даъво аризалари билан мурожаат этган Қарши шаҳар кар болалар мактаб-интернати ўқитувчиси Сожида Абдуллаеванинг ўз ишига қайта тиклаш, ноилождан бекор юрган вақти, иш ҳақи фарқини ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилиб, ҳал қилув қарорига кўра аввалги иши бўлган "Якка машғулот" фани ўқитувчиси лавозимига тикланди ва иш ҳақининг фарқи бўйича 148411 сўм ҳамда маънавий зарар сифатида 35564 сўм ундирилди. Ёки даъвогар Т.Жўраевнинг жавобгар — 19-сонли "Қашқадарё деҳқончилик қурилиш" ОХЖ, Қамаши туман Деҳқончилик Механизация корхонасига нисбатан "ғайриқонуний буйруқни ҳақиқий эмас, деб топиш, ишга тиклаш ва етказилган зарар суммасини ундириш" ҳақидаги даъво аризаси бўйича 2-1291-сонли фуқаролик иши кўрилиб, ҳал қилув қарорига биноан жавобгар 19-сонли "Қашқадарё Деҳқончилик қурилиш" ОХЖнинг 19.04.2000 йилги 3-сонли қарори даъвогар Т.Жўраевни ўз вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги қисми ғайриқонуний бўлганлиги сабабли бекор қилинди ва жавобгар томонидан Т.Жўраев ноиложликдан бекор юрган вақтлари учун жами 6 ой 25 кун ҳисобига 112078 сўм иш ҳақи, маънавий зарарни қоплаш учун юз минг сўм ундирилди.

Бу каби мисоллар шуни кўрсатадики, баъзи раҳбарлар ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, тегишли қонунларимизни четлаб ўтмоқчи бўлишади. Бу эса ходимларнинг ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан ноҳақ жабрланишига олиб келмоқда. Бундай тоифадаги раҳбарлар бир ҳақиқатни эсда тутишлари лозим. Қонунни четлаб ўтиб бўлмайди.

Ғози РАҲМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

Таҳририсиз мактуб

"ОТАМ БЕТОБ ЭМАСДИ..."

Шу вақтга қадар бировнинг устидан икки энлик шикоят ёзиб кўрмаган эдим. Мазкур хатимни шикоятми, арзномами — нима деб аташга ҳам ҳайронман. Уни ёзишга мени ундаган нарса...

Кимлардир мол-дунё талашиб, судлашади. Яна кимдир обрў-мартаба, қадр-қиммат талашиб, бирбировининг устидан ёз-ёз, чиз-чиз қилади.

Хўш, менинг муддаом нима?

Гап шундаки, ўтган йилнинг 9 июнида отам Жумақул Худойқуловни ўз ҳовлисида куппа-кундузи ота-бола Абдулҳаким ва Акмал Кенжаевлар аёвсиз калтаклаб, умрига зомин бўлишди. Бироқ отамизни "сурункали юрак хасталигидан вафот этган", деган важ билан судланувчиларга содир этган жиноятларига муносиб жазо берилмади. Ва бу ҳолат мени ушбу мактубни ёзишга ундади.

Воқеа аслида бундай бўлган:

Мен ҳамқишлоғим Абдулҳаким Кенжаев тўрт хонали ҳовли-уйини сотмоқчи эканлигини эшитиб, харидор бўлдим. Савдолашдик. Бироқ нима учундир Кенжаевларнинг феъли айнаб, укам Баҳриддин Худойқуловнинг уйига келишади. Бу пайтда Баҳриддин ўз томорқасида ишлаб турган эди. Улар укамга: "...Аканг Чори қаерда, нима учун аканг мен яшаётган уйини сотиб олар экан", дея ўдағайлаган. Аммо бу билан ҳам кифояланмай, ота-бола Кенжаевлар укамни калтаклай бошлаган. Буни кўриб қолган отам Баҳриддинни шафқатсизларча уриб-тепаётган ота-бола Кенжаевларни инсофга чақириб, ажратиб қўйгани югуриб келади. Аммо муштумзўр ота-бола отамни ётқизиб олиб, боши ва кўкрак қисмларига тепиб-урадилар. Натижада отам вафот этади. Ушбу воқеага марҳум онам Зира Алиқулова, хотиним Момохол Худойқулова, қўшниларимиз Одина Остонақулова, Норали Тошпўлатов, Раҳим Аллаев ва бошқа ўнлаб кишилар гувоҳ бўлишган.

Аммо ота-болага қилмишларига яраша жазо берилмади. Кенжаевлар содир этган жиноят ЎзР ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми "П" бандига тааллуқли бўлса-да, уларнинг жиноий ҳаракатларини ЎзР ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан таснифланди. Ушбу хаспўшлашдан норози бўлиб ёзган шикоятимизни туман прокурори Н.Бобожонов ҳам негадир эътиборсиз қолдирди. Гўёки, отам узоқ йиллардан буён юрак хасталиги ва қон босими касалликлари билан оғриб келган эмиш. Ана шу касалликлар унинг ўлимига сабаб бўлган эмиш. Дастлаб бундай сохта тиббий хулосани Ўрта Мачай қишлоғи фельдшерлик пункти ходими К.Болтаевдан ёздириб олишади ва шу аснода бу хулосага таяниб Шеробод туман суд-тиббиёт экспертизаси бошлиғи Ж.Ҳасанов ҳам сохта маълумот беради.

Аслида отамиз умри бино бўлиб, бирор марта юрак оғриғи ёки қон босимидан шикоят қилган эмас. Ҳатто тергов ва суд жараёнида Сурхондарё вилоят суд-тиббиёт бюроси суд гистология бўлими эксперти Ф.Жўмартованинг 3 варақдан иборат тушунтириш хатида марҳум Жумақул Худойқуловнинг ўлимига юрак соҳасига урилган қаттиқ зарба сабаб бўлганлиги аниқ-равшан баён этилган. Ўша тушунтириш хатининг биттадан нусхаси туман прокурори Н.Бобожонов ҳамда ИИБ терговчиси М.А-шуровларга топширилганди. Туман суди раиси С.Холматов эса жиноий иш материаллари орасида бундай тушунтириш хати йўқ, деб жавоб берди.

Ҳурматли таҳририят!

Бу жиноятга қўл урганлар ҳам бизга бегона эмас. Ҳаммамиз бир қишлоқнинг одамларимиз. Аммо виждонсизликни кўрингки, жиноий жавобгарликдан қутулиб қолганига шукур қилиб, тинчгина юриш ўрнига Кенжаевлар ҳалиҳануз "қўлингдан нима келди", деганга ўхшаш мазах, ҳақорат аралаш гапларни отиб, ярамизни янгиламоқдалар. Ҳеч қурса тасалли берарсиз, деб сизга мурожаат қилаяпмиз. Зора, газетада мактубимиз босилса-ю, тегишли ташкилотлар мутасаддилари инсофга келиб, жиноятчиларга қилмишларига яраша жазо тайинлашса...

Чори ХУДОЙҚУЛОВ,
Бойсун тумани, Ўрта Мачай қишлоғи

ТАҲРИРИЯТДАН: ***Биз ҳасратга йўғрилган узундан-узоқ мактубни бироз қисқартирган ҳолда, аммо мазмунини бузмай эълон қилаётирмиз. Ниятимиз холис. Юқоридаги гаплар ҳам бизнинг фикримиз эмас, балки мактуб эгасининг шахсий фикрлари. Мактуб эгаси балки ҳақдир, эҳтимол алам, изтироб билан ошириб ёзгандир. Лекин маҳалла, оқсоқоллари нима учун ҳар икки томоннинг ўртасида оловланиб кетаётган муаммо ечимини излашмайди. Башарти, тумандаги тегишли ташкилотлар томонидан қонунийлик бузилган бўлса, бу хатоликлар вилоят миқёсидаги мутасаддилар томонидан тузатилишига умид билдирамиз. Шу ўринда ҳар доим таъкидлаганимиздек, мактуб бир томоннинг фикри нуқтаи назаридан ёзилганлигини эслатиб қўймоқчимиз.***

Жаҳон тажрибаси

ЎЗИГА ХОСЛИК

У ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА СУД ТИЗИМИНИНГ АСОСИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

АҚШ, Буюк Британия, Франция, Япония, Германия каби ривожланган хорижий давлатларда суд тизими ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Жумладан, Буюк Британия суд тизими суд муҳокамасини оғзаки ва ёзма тарзда олиб борадиган тизимдан иборат бўлиб, фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқади. Бундай ишлар Лордлар палатаси суди, Апелляция суди, Юқори суд, Қироллик суди ва Магистрлар судида кўрилади. Бундан ташқари, Буюк Британияда суд тизимида суммар тартибида кўриб чиқиладиган суд муҳокамаси ҳам мавжуд. Мамлакатда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва кам аҳамиятли қилмишлар юзасидан жиноят ишлари суммар тартибида таркибида 2-7 нафар судьядан иборат бўлган магистрат судлари ёки магистратсудьянинг якка ўзи томонидан кўрилади. Мазкур суд сиртдан иш кўриш ва ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга бўлиб, судланувчи ўз айбига иқрор бўлишининг ўзи суд терговига якун ясашга олиб келади. Бундай тартиб-қоидалар ўз навбатида парламент томонидан қабул қилинган 1957 йилдаги "Магистратлар суди тўғрисида"ги Қонунда ўз ифодасини топган.

Чиқарилган ҳукмдан (вердиктдан) норози бўлган томон шикоят қилиш тартибига биноан тарафлар ҳукм чиқарган судьянинг махсус розилигини олиши зарур. Ишни қайта кўриб чиқиш учун эса апелляция судининг розилиги олинади.

Апелляция судлари таркибига кирувчи Қироллик суди суммар тартибида магистрат судлари чиқарган ҳукмлар бўйича шикоятлар юзасидан иш кўради. Суд мажлиси жараёнида ўз айбига иқрор бўлган маҳкум юқори судга фақатгина ўзига нисбатан чиқарилган ҳукмга тааллуқли жиноят қонунчилигини қўллаш ва жазо тайинлаш юзасидан шикоят бериши мумкин. Бу борада апелляция инстанция судининг жиноят ишини апелляция тарзида кўриб чиқиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириши, ҳукмини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун қайтариш, ҳукмни ўзгартириш ёки тақдим қилинган янги асосларга кўра ишни қайта кўриб чиқиб ҳукм чиқаришга ҳақли.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур суд фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шахсий дахлсизлигини ҳимоя қилиш мақсадида берилган шикоят-илтимосларини кўриши лозим ва ушбу шикоят-илтимосномалар ҳукм чиқарилганиидан сўнг 28 кун ичида қабул қилиниши керак.

Буюк Британия суд тизимида "Хабес Корпус" фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бу корпус (муассаса) ҳар қандай жиноятни содир қилишда гумон қилинаётган шахс ёки унинг вакили қамоққа олиниши ҳуқуққа хилофлигини важ қилиб судга шикоят қилишни таъминлашни амалга оширади. Аризани қабул қилиб олган суд полициянинг хатти-ҳаракатини қамоққа олинган шахс ва унинг ҳимоячиси иштирокида текширади. Агар қамоққа олинган шахс ноҳақ ушлаб турилган бўлса, суд томонидан чиқарилган қарор дарҳол ижро этилади, асоссиз қамоққа олинган шахс озод қилинади.

АҚШ суд тизими ҳам ўзига хос жиҳатларига эга. АҚШ Конгрессида ўз ваколатлари доирасида қуйидаги судлар мавжуд: ўн учта оралиқ апелляция судлари (бу судлар округ апелляция судлари деб юритилади);

— халқаро туман судлари, (бу судлар федерация миқёсидаги биринчи инстанция судлари ҳисобланади).

АҚШ суд тизимда ўз фаолиятини юритадиган АҚШ судлар ассоциацияси, федерал судларининг маъмурий бошқармаси, суд маркази, округ кенгашлари каби маъмурий тузилмалар ташкил этилган.

Ушбу тузилмаларнинг ҳар бирига қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, АҚШ судлар ассоциацияси Конгресс томонидан ташкил қилинган бўлиб, федерал суд тизимининг марказий органи ҳисобланади. Олий суд раиси ассоциация мажлисларига раислик қилади. Ассоциация мажлисида барча округ апелляция судлари раислари ва ҳар бир федерал туман судларидан биттадан судья қатнашади.

АҚШ Федерал суд тизимидаги яна бир муҳим тузилма федерал судларининг маъмурий бошқармасидир. Бу бошқарма Конгресс томонидан ташкил қилинган ва судлар томонидан ишлаб чиқилган тартиб-қоидаларни ҳаётга тадбиқ қилади.

АҚШдаги суд тузилмаларидан яна бири Судлар марказидир. Марказ судьялар ва бошқа суд ходимларини тайёрлаш, судларни бошқариш, тадқиқот ишларини бажариш каби вазифаларни бажаради.

Округ кенгаши тузилмалари эса асосан Суд ассоциациясига судьялар номзодини тавсия қилади, округ судьяларидаги тартибини қайта кўриб чиқади, округ судьяларининг хатти-ҳаракатлари устидан тушган шикоятларни ўрганади, ғайриқонуний хатти-ҳаракати учун судьяларга қўлланиладиган чораларни белгилайди. Округ кенгаши таркибига эса округ апелляция суди раиси, округ ва туман судларининг судьялари киради.

АҚШнинг Олий суди Конституция билан белгиланган бўлиб, унга Конгресс қуйи турувчи федерал суд тизимларини шакллантириш ҳуқуқини беради. Олий суд бир умрга сайланадиган судьялардан иборат бўлиб, улар ҳукумат ҳамда чет эл дипломатик корпусларнинг мурожаатларини, АҚШнинг апелляция ва федерал судлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни қайта кўриб чиқади. АҚШ Конституциясининг 3-моддасига асосан 13 та туман судлари, 3 та худудий судлар Конгресс томонидан ратификация қилинади. Бу эса ўз навбатида АҚШ Олий суди томонидан тақдим этилади.

1948 йилда АҚШда ташкил этилган апелляция суди ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бугунги кунда уларнинг сони 13 тага етган ва улар ўз ваколатлари доирасида 3 та ёки ундан ортиқ штатлардаги апелляция судларини мувофиқлаштириб туради. Бундан ташқари, АҚШда арбитраж ва банкротлик тўғрисидаги махсус судлар ҳам фаолият юритиб, улар ўзига хос томонлари билан ажралиб турадди.

Саломат НИЁЗОВА

Нуқтаи назар

РЕКЛАМА — ҲАМ САНЪАТ, ҲАМ ИЛМ

Бозор иқтисодиёти шароитида оммавий ахборот воситалари ривожининг асоси реклама ҳисобланади. Маълумки, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, товар ё маҳсулот харидини уюштириш, хизмат турларини кенгайтириш, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий мавқеини кўтарувчи ғояларни тарғиб этишга асосланган реклама ОАВда татбиқ этилишидан олдин қонунан мустаҳкамланади.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Америка Қўшма Штатларида барча соҳадаги рекламаларни назорат этиб, мувофиқлаштириб турувчи ўн тўртта ташкилот фаолият юритади. Барча ташкилотларни тартибга солувчи Федерал Савдо Комиссияси эса ОАВда бериладиган рекламаларнинг сифат самарадорлигини кузатиб боради. Мамлакатимизда истиқлолдан кейингина такомиллашган реклама, газета ва журнал, радио ва телевидениенинг даромад манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Юртимизда реклама 1995 йилдан сўнг журналистика таълимининг ўқув дастурига фан сифатида киритилган бўлса, 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг **“Реклама тўғрисида”**ги Қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистонда чоп этиладиган, намойиш этиладиган ва тайёрланадиган барча рекламалар мазкур қонун доирасида амалга оширилади. Ҳар қандай агентлик, компания ёки гуруҳ ўз Низомини **“Реклама тўғрисида”**ги Қонунга мувофиқ тузиши лозим. Қонуннинг вазифалари аниқ, яъни юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулотлар тўғрисида ахборот оқимини шакллантириш, тадбиркор ва истеъмол маданиятини такомиллаштириш, давлат ва жамият манфаатлари, ахлоқ ва маънавиятнинг меъёрлари, кишиларнинг ишчанлик фаолияти ёҳуд обрўйига рекламанинг салбий таъсиридан ҳимояланиш чораларини таъминлаш, шартнома шартларига кўра истеъмолчиларни чалғитадиган, товар, маҳсулот ё хизмат турининг характери, тайёрланиш усули, жойи, истеъмол хусусиятлари, сифати ноаниқ баён этилган, ёлғон маълумотларни реклама воситасида тарқатишнинг олдини олиш ва ҳоказолардир.

“Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг 5, 11, 17, 18-моддаларига биноан Ўзбекистон Республикасида тайёрланган ёки хориждан олинган рекламалар радио, телевидение, газета, журнал ва почта орқали давлат тили — ўзбек тилида ёхуд келишувга асосан бошқа тилда чоп этилади, кўрсатилади. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси реклама тижорат департаменти, Ўзбекистон радиосидаги “Мададкор” тижорат гуруҳи, газеталардаги тижорат бўлимлари, матбуот марказларидаги реклама агентликлари Қонунда зикр этилган моддаларга биноан фаолият юритади.

Кўплаб истеъмолчиларни ўз атрофида жамлаш, товар, маҳсулот, хизмат ёки ғоя ҳақидаги маълумотларни қайта-қайта ўқувчилар онгига сингдириш жиҳатидан матбуот рекламаси самарадор воситаларидан саналади. Мамлакатимиздаги кўплаб нашрларда турли жабҳага тегишли рекламалар 18-моддага мувофиқ ҳолда чоп этилади. Унда шундай ёзилган:

- Босма ОАВлардаги рекламанинг ҳажми, мавзусини шу ОАВларнинг ўзлари мустақил белгилайди. Обуна бўйича тарқатиладиган босма воситалар обуна шартларида нашрнинг умумий ҳажмидаги реклама миқдорини кўрсатишлари шарт.

Дунё бўйича ялпи реклама даромадининг қарийб 80% радио ва телевидениедан тушади. Миллионлаб аудитория жамлаган радио ва телевидение рекламаси жойлаштириш қоидалари Қонуннинг 17-моддасида ўз ифодасини топган. Унда ёзилишича, **телерадио ташкилотлар учун рекламага ажратилган кўрсатув (эшиттириш) вақти, кўрсатувнинг (эшиттиришнинг) ҳар бир соатига 10 фоиздан ошмаслиги керак.**

Айни шу қоидага асосланиб, реклама тижорат департаменти рекламаларни телевидение дастурларида жойлаштириш, уни тайёрлаш бўйича нархини белгилаб чиқади. Реклама нархи бир йилга мўлжалланган бўлиб, унда давлат муассасалари ва қўшма корхоналарга алоҳида эътибор берилади.

Аммо баъзан телевидение дастурларида намойиш этилаётган бадиий фильмлар, ҳар хил сериаллар давомида Қонуннинг 17-моддасидаги қоидалар бузилади. Чунки мазкур моддада **“45 минутдан ортиқ давом этадиган концерт-томоша ва спорт дастурлари, кино ва телефильмлар реклама учун тўлиқ 45 минутлик вақт оралиғида кўпи билан бир марта узиб қўйилиши мумкин. Реклама бу кўрсатувларнинг (эшиттиришларнинг) бошланиши олдидан ва (ёки) улар тугаганидан сўнг жойлаштирилиши ҳам мумкин”**, деб ёзиб қўйилган.

Телевидение орқали намойиш этиладиган “Даллас”, “Муҳаббат қаҳваси” каби сериалларнинг бошланиши, ўртаси ва охирида реклама берилмоқда. Демакки, 17-моддадаги қоида бузилган. Агар ўзаро шартномага мувофиқ бир фильм доирасида бир неча марта реклама бериш зарурияти бўлиб қолса, унда 17-моддага илова киритиш лозим бўлади.

Нодавлат йўналишдаги радиостанция ёки мустақил телеканаллар ҳам қонунга суянган ҳолда фаолият юритади. Юртимизда аҳолига хизмат кўрсатаётган бир қанча радиостанция ва телеканаллар қонунга мувофиқ рекламанинг ҳажми, мавзуси ва вақтини ўзлари мустақил белгилайди. Вилоятлардаги телевидениелар эса асосан маҳаллий реклама ва Ўзбекистон телевидениеси эфирга узатган рекламаларни айнан кўрсатиш билан чегараланиб қолаётир. Ваҳоланки, реклама намойиш этиш вақти республика миқёсида асосан бир хил бўлиши шарт.

Шуни айтиш жоизки, рекламадаги энг “дардчил” нуқта реклама матнидир. Қонуннинг **“Нотўғри реклама”** ҳақидаги 13-моддасида кўрсатилганидек, **ҳар қандай реклама матни мантиқан изчил, илман асосланган, ортиқча муболаға, бўрттиришдан холи ва энг муҳими, давлат ва жамият маънавий ҳаётига зарар етказмаслиги керак.**

Шу мезондан келиб чиқадиган бўлсак, баъзи телевидение ва радио, газета ва журналларимиздаги рекламаларнинг матнлари талабга жавоб бера олмайди. Оддийгина мантиқсизлик ҳам мазкур рекламаларнинг умум салоҳиятига таъсир қилади. Масалан, “Хон” сигаретасининг реклама роликида халқимиз суйган санъаткорлар қатнашиб, рекламанинг тасвирий жиҳатларини бойитган. Аммо шарқона одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этилмаган, яъни реклама роликида кўрсатилганидек, ота ҳеч вақт ўғлига чўнтагидан чиқариб сигарет кўрсатмайди ва бермайди.

Албатта, реклама фан сифатида Ўзбекистонда энди такомиллашаяпти. Шу боис дастлабки камчиликлар вақт ўтган сари бартараф этилади, деган умиддамиз.

Нодир ҒАФФОРОВ,
Азизхон МУРОДОВ

Фаолият

УМР САРҲИСОБИ

Вақт югурик. Умр оқар сув мисоли. Инсон умри ўтавераркан, ҳаёт мазмунини тобора чуқур англаб бораверади. Ёши улуғ бўлавергани сари ортига нигоҳ ташлайди: Нималар қилиб улгурдиму яна нималар қилишга қурбим етади, дея ўзига савол беради.

Бугун етмиш беш йиллигини нишонлаётган Галия Тансиқбоева умр дарёсининг беҳуда оқмаётганидан мамнун. Тошкент Давлат юридик институтини тамомлагандан сўнг, 1951 йилда ушбу олийгоҳнинг Давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедрасига аспирантликка қабул қилинган Г.Тансиқбоева шу кунга қадар мазкур даргоҳда илмий-педагогик фаолиятини давом эттириб келмоқда. Бу орада у Адлия вазирлигида бош консультант, ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтда илмий ходим, ЎзМУ ҳуқуқ факультети “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1963 йилда “Ўзбекистонда оила ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва ривожланиши” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Галия Тансиқбоева меҳнат фаолиятида ҳуқуқ илмининг ривожига ўз ҳиссасини қўша олган олимлардан. У Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳақидаги кўп томли китобнинг фаол муаллифларидан биридир. Олий ўқув юртлари учун “Халқаро гуманитар ҳуқуқ” дарслиги, бевосита унинг таҳрири остида яратилган “Аёл, ҳуқуқ, жамият” ва “Бола ҳуқуқи: халқаро ва миллий стандарт” (2001 й) китоблари Г.Тансиқбоеванинг умр йўлини безаб турибди.

Сўзимиз аввалида таъкидлаганимиздек, инсон (ёшидан) қатъий назар, ўтган умрини сарҳисоб қилиб боради: “Нима қилиб улгурдиму...” Галия Тансиқбоева бугун ортига мамнуният билан боқишга ҳақли. Чунки умри зое кетмаяпти.

М. САДИРОВ,
талаба

Қилмиш — қидирмиш

“ЙИГИТГА ЎЛИМ ЙЎҚ, ЎЗ-ЎЗИНИ ТИҒГА УРАДИ...”

Аввало, инсон табиатига ёвузлик ҳеч қачон макон тутмасин экан. Чунки азалдан зуваласи шундай иллат билан қорилганлар қанча тартибга чақирилса-да, барибир, ўзи мойил бўлган қабиҳ ишларга қўл ураверади.

Илгари ҳам судланиб, “кўзи очилмаган” Акбар Боймуродов анча вақтдан буён калласида пишитиб юрган режасини амалга ошириш учун кўнглини тушунадиган Барот Ашуров билан тил бириктирди. Бу гал уларга “нишон” бўлаётган, “Дамас” машинасида рўзғор аравасини тортиб келаётган Носир Норбоев 2001 йил 20 апрелда иши ўнгидан келаётганидан ич-ичидан севинарди. Чунки шу куни у ҳар галгидек машинаси йўловчилар билан тўлишини кўп кутмади.

Ургутнинг Жартепа қишлоғида икки хушмомала йигит ундан Элипок қишлоғидаги картошкаларини ташиб беришини илтимос қилди. Кира ҳақи савдоси эса минг сўмга пишди.

Дангал мижозларнинг учраганидан хурсанд Носир ҳамда “ўта одобли” Акбар ва Баротларга тўрт ғилдирак ҳаш-паш дегунча Элипок қишлоғининг қорасини кўрсатди.

Машина Даргом ариғи бўйига етганида тўхтади. Юк шу ерда ортилса керак, деган ўйда багаж эшигини очган Носир беозоргина бўлиб келаётган йўловчиларнинг кўққисдан қилган ҳужумидан гангиб қолди. Барот овоз чиқарса сўйишини айтиб, Носирнинг бўйнига пичоқ тиради. Акбар ҳам қараб турмай, сочиқ билан қўлларини орқага қайириб боғлади. Рўй бераётган ишлардан тамоман даҳшатга тушган Носир “Дамас”нинг орқа ўриндиғига иргитилди.

Хуллас, шу тариқа машина жиловини ўз қўлларига олган шоввозлар Ургутга боришади. У ерда машинага ёқилғи қуйдириб, рулни Самарқанд шаҳрига буришади. “Ўз” машиналарини шаҳарнинг Гагарин номидаги кўчада мағрур елдираётиб, тамадди қилиш учун тўхташади ва машинадан олган Носирга тегишли етти минг олти юз сўм пулдан ишлатишади. Қорни тўйгач, Барот танишини кўргани шу яқин атрофдаги кўп қаватли уйлардан бирига кириб кетади. Акбарнинг эса ҳожати қистаб қолади...

Бундай қулай пайтдан Носир бир амаллаб машинадан чиқиш билан фойдаланади ва ҳуқуқ-тартибот ходимларига бўлган воқеани маълум қилади.

Самарқанд шаҳар ИИБ ходимларининг тезкор ҳаракатлари туфайли талончилар Панжакент кўчасидаги 27-ўрта мактаб қаршисида қўлга олинди.

Содир этилган ушбу жиноят иши Сиёб туман судида атрофлича кўриб чиқилди. Акбар Боймуродов ва Барот Ашуровлар Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан айбли деб топилди. Қилмишларига яраша жазо олишди.

Халқимизда “йигитга ўлим йўқ, ўзини-ўзи тиғга уради”, деган аччиқ, аммо ибратли мақол бор. Акбар ва Барот навқирон йигит ёшида ўзларининг манфур, қора ниятлари туфайли бир умрлик иснод тиғига санчилдилар.

Шокир ЭРГАШЕВ,
Самарқанд вилояти

ТАШАББУС-ЮТУҚ ГАРОВИ

Мамлакатимизда ҳуқуқий фуқаролик жамияти қурилмоқда. Бу жараёнда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис корхона ва ташкилотларда, ўқув муассасалари ва жамоат жойларида кенг миқёсли тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада Бухоро кооператив техникумида олиб борилаётган ишлар ўзининг сифат ва савияси билан кўпчиликка намуна бўлаяпти.

Мазкур ўқув даргоҳининг фаолияти билан танишганимизда ташаббускорлик юксак натижаларга олиб келишига гувоҳ бўлдик.

Айни пайтда техникумда 1500 нафар талаба 5 та йўналиш бўйича таҳсил олмоқда. Талабаларнинг ўқишдан бўш вақтлари бекор ўтмаслиги учун турли хил маданий-маърифий тадбирлар, мусобақалар ўтказиш анъанага айланган. Ўтган ўқув йилида бир нечта фан йўналиши бўйича олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритдик Жиззахда ўтказилган “Баркамол авлод” спорт мусобақаларида қатнашган талабалар сузиш бўйича совриндор бўлишди.

Техникумда таълим-тарбия олаётган талабаларда ҳуқуқий тарбияни шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда ўқув даргоҳи раҳбарияти ташаббусини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айни шундай ташаббус боис Бухоро шаҳар ИИБ ва ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси, шаҳар ва Ф.Хўжаев туман прокуратураси ходимлари тез-тез талабалар билан учрашиб туришибди. Бундай учрашувлар талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилаяпти. Талабаларнинг “Сиз қонунни биласизми?”, “Сиз тарихни биласизми?” каби кўрик-танловлар ҳамда “Конституция — бахтимиз қомуси” каби тадбирларда фаол иштирок этаётгани улар онгида ҳуқуқий билимларнинг ортаётганидан далолатдир. Бу эса ўқув юртида ҳуқуқий таълим-тарбия намунали йўлга қўйилганини кўрсатади.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Оталар дейдики:

Бурчга содиқлик, шахсий манфаатлардан воз кечишни талаб қилади.

* * *

Бурч ва номус йўлини ҳеч вақт тарк этманг, бу бизни бахтга эриштирадиган ягона йўлдир.

* * *

Бахтсизликда бурчга содиқ қолиш буюк хислатдир.

Муносабат

ҚОРА ДОҒ

Уни тушириш осон, кеткизиш эса қийин

Журналист Ислом Ҳамронинг “Инсон ва қонун” газетасида чоп этилган “Қаламимизни қадрлайлик” мақоласида назаримда, кўпчиликнинг дилида тугилиб қолган мулоҳазалар тилга олинган. Таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида барча соҳаларда бўлгани каби матбуотимизда ҳам кўплаб ўзгариш ва муаммолар вужудга келди. Натижада даврий матбуот баробарида эфирлашган электрон журналистика ҳам фаолият юрита бошлади.

Ҳозирги вақтда юртимизда 450 дан ортиқ газета нашр этилмоқда. Бундан ташқари, 50 дан ортиқ нодавлат йўналишидаги радио ва телевидение ишлаб турибди.

Албатта, соғлом рақобат ҳар доим ишни олдга силжитади. Гап шундаки, ҳозирги матбуот ҳаётини рекламасиз тасаввур этиш ғоят мушкул. Бу эса “тижорат” материаллар чоп этишни тақазо этади. Ўз-ўзидан равшанки, эшиттириш ёки кўрсатув, газетада чоп этиладиган мақола учун ҳомийлик қилган корхона ёки ташкилот ўз фаолиятининг ижобий томонларини ёритишдан манфаатдор.

Ҳозирда кўпчилик журналистлардан жамият миқёсидаги мавжуд ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқишмаётганидан норози бўлади. Бунинг биринчи сабаби журналистларнинг кўпроқ ўз ташвишлари билан, қолаверса, ўртамиёналик ва “тижорат” йўналишидаги материал тайёрлаш билан овора бўлиб қолиши билан изоҳланади. Кундалик матбуотни кузатган киши аксарият ҳолларда умумий, обзор тарзда ёзилган мақолаларга дуч келади. Ваҳоланки, журналистлар Президентимиз, таъкидлаганларидек, **ҳаётнинг олдинги жабҳаларида боришлари лозим.**

Энди “тижорат”чи мухбирлар масаласига келсак, дангал айтиш жоизки, улар матбуотимиз обрўсини тўкишга хизмат қиляпти. Бугунги кунда матбуот тури, эшиттириш ва кўрсатувлар сони кўпайгани сайин журналист кадрларга бўлган эҳтиёж ортиб бораяпти. Шу ўринда бир мулоҳазани таъкидлаш жоиз: журналистика соҳасига дахлдор муаммоларни барчамиз билсак-да, бу борадаги талабни кучайтириш ҳақида соатлаб гапирсак-да, бу масалага жўяли ечим топилмаяпди. Назаримда, энг аввало, биз таҳририятга қабул қилинаётган ходимнинг журналистикага нечоғлик дахлдорлигини, унинг журналист этикасига қанчалик амал қилишини синаб кўришимиз керак. Шундагина, соҳамиз обрўси тўкилишининг олди олинарди. Кейинги пайтда матбуот тўғрисида кўплаб муҳим қонунлар қабул қилинди. Шу боис ахборот олиш эркинлиги кафолатланган, дея баралла гапирсак-да, баъзида оддий маълу-

мотни ололмай сарсон бўлиш ҳоллари тез-тез учраб турибди. Бунинг бир сабаби “тижорат”чи мухбирлар фаолиятидир. Нутқимизда “ўзбекона феъл-атвор” деган тушунча бор. Назаримда, ана шу ўзбекона феъл-атворимиз матбуотимизнинг тараққий этишга ғов бўлаяпди. Бугунги кунда ОАВ ҳақидаги тушунчаларимиз бойиётган сайин, кишининг кайфиятини бузадиган, таъбини тирриқ қиладиган айрим нохуш воқеалар ҳам рўй бермоқдаки, бунга ачинишни ҳам, кўникишни ҳам билмайсан киши. Бу ўринда гап ташкилотларга интервью олишга борган мухбирларга муносабат ҳақида бормоқда. Тан олиш керакки, бирон жойга мухбирга ҳар ҳолда барча мухбирга ҳар ҳолда ёмон муносабатда бўлишмайди. Ўзлари қийналиб туришса-да, чой ҳам ҳозирлашади. Ажабланарлиси шундаки, бу нарса қонунларимизда йўқ. Аксинча, (чой ичмайдиган) ўз касбига ҳалол ёндашадиган ҳамкасбларимиз танқидий руҳда материал тайёрлайдиган бўлишса, унинг олдини олишга ҳаракат қилишади. Очиғи, ҳамма гап шунда. Икки томон ўртасидаги муносабатнинг қай тақдирда ҳал бўлиши ҳам шу билан боғлиқ. Шу боис ҳозирда бирор муаммони кўтариб, бош қотириб, фидоийларча мақола ёзадиган, эшиттириш ёки кўрсатув тайёрлайдиган журналистлар саноқли. Аксарият ҳамкасбларимиз тезроқ “тижорат” йўналишидаги мақтовлар билан тўлган мақоласини ёзишса-ю, тижорат пулидан тушадиган улушини олиш ғамида бўлишади. Ахир, матбуот жамият ҳаётига фаол аралашиши, ечимини кутаётган муҳим муаммоларни кўтариб чиқиши, жамоатчилик эътиборини тортиши лозим-ку!

Энди интервью олишга борган журналистнинг хизмат сафари гувоҳномасини кўрсатиши масаласига тўхталиб ўтсак. Ҳозирда ўз ходимини фалон вилоят ёки туманга жўнатиб, пул сарфлайдиган муҳарририятнинг ўзи йўқ десак, муболаға эмас. Мабодо жўнатганда ҳам журналист хизмат сафарга сарфланган харажат ўрнига “тижорат” пулини тушириш керак. Ўз-ўзидан равшанки, бу каби “тижорат” йўналишида тайёрланган материалларда танқид бўлмайди. Тўғрироғи, “еган оғиз уялади”. Сиртдан қараганда, бу матбуотчилар фаолиятидаги майда-чуйда ишларга ўхшаб кўринади. Лекин...

Яна бир мулоҳаза шуки, газеталар сони кўпайган сайин, унга обуна бўлиш ҳам ўқувчининг ўз ихтиёрида бўлиши керак. Яъни у хоҳлаган нашрига ихтиёрий обуна бўлиши лозим. Чунки мажбурий обуна, биринчидан, одамларнинг матбуотга ишончини сўндириши баробарида ўқувчиларга иқтисодий зиён келтиради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, матбуот тараққиёти ва жамоатчиликнинг матбуотга муносабатини қай тахлит эканлиги кўп қиррали мураккаб масаладир. Матбуотимизнинг ижтимоий фаоллиги эса кўп жиҳатдан журналистларга боғлиқ. Шундай экан, бу борадаги ишни дастлаб ўз нуқсонларимизни тузатишдан бошлаганимиз маъқул. Боя тилга олинган нуқсонлар журналист номга тушаётган қора доғдир. Уни тушириш осон, кетказиш эса ғоят мушкул. Шу боис журналист номига доғ туширмаслик ҳар бир қаламкашнинг муқаддас бурчидир.

Ўлжабой ҚАРШИЕВ,
радиожурналист

Ёмонликка жазо муқаррар

ҚИМОРДАН ЧИҚҚАН ҚАБИҲЛИК

Суднинг қора курсисида ака-ука Аҳмадали ва Юнусхон Шаҳобиддиновлар ўтиришибди.

Аҳмадали Шаҳобиддинов Косонсой шаҳар Маҳдуми Аъзам маҳалласи, 55-уйда яшовчи Фотима Юсупованинг уч бош қўйини ўғирлашда айбланади.

Судланувчи қўйларни Косонсойдаги 89-автокорхонага қарашли ГАЗ-2410 русумли 50-61 НАА давлат белгили машинада Наманган шаҳрига олиб боради. Шаҳарнинг Тўрақўрғон маҳалласида яшовчи касб-кори қассоб бўлмиш Жаҳонгир Жабборовга қўйларни 42 минг сўмга пуллайди. Ҳайдовчи А.Усмоновга 4 минг сўмни хизмат ҳақи учун беради. Қолган пулларни шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборади. Бу ўғирлик 2001 йилнинг 23 июнига ўтар кечаси содир этилган.

Юнусхон Шаҳобиддинов эса икки дона қозон ўғирлашда айбланади. У 2000 йилнинг 14 апрелида Косонсойдаги 24-кўчма қурилиш жамланмаси олдида жойлашган қаҳвахонада уч шиша винони бир ўзи паққос симиради. Кайфи тароқ бўлгач, Абдулҳафиз Соттибоевга қарашли ошхонада бироз мизғиб олади. Пича ҳушига келгач, даъфатан миясига келган фикри бўйича ишга киришади. Бир дона 30 литрли ва бир дона 10 литрли қозонларни “Маҳдуми Аъзам” маҳалласида яшовчи холаси Шаҳодатхон Исмоилованинг ҳовлисига яшириб қўяди. Эртасига Адҳамжон Турсуновга қарашли бўлган “Дамас” русумли машинага юклаб, Намангандаги нотаниш лўлиларга 4700 сўмга сотиб юборади.

Эътибор беринг-да, ака-ука Шаҳобиддиновлар содир этган жиноятлар бир-бирига мутлақо боғлиқ эмас. Бунинг устига уларнинг бири ўғирликни 2000 йилнинг 17 апрелида, иккинчиси эса 2001 йилнинг 21 июнида содир этган.

Хўш, нега унда ака-ука турли вақтларда содир этган жиноятлари учун бир кунда суднинг қора курсисида ёнма-ён ўтириб жавоб беришаяпти? Ахир, улар ҳаётда аллақачон бир-бирлари билан юз кўрмас бўлиб кетишган-ку?! Уларни қайси қора қисмат яна юзма-юз қилди?!

— Аҳмадали билан Юнусхон кейинги йилларда бир-бирлари билан тез-тез жанжаллашадиган бўлиб қолди, — дейди катта ака Баҳодирхон Шаҳобиддинов, — укаларим ичкиликка ружу қўйдилар. Ҳатто Юнусхон уй-жойини сотиб, бошқа жойга кўчиб кетди. Кунларнинг бирида Юнусхон кайф устида...

Азиз ўқувчи! Агар малол келмаса, Баҳодирхон аканинг сўзларини шу ерда бўлиб туришга тўғри келади. Чунки бунинг ўзига хос сабаби бор.

Бу қадим дунёда одам боласи ўйлаб топган эзгу нарсалар билан бир қаторда кишини тубанликка бошлайдиган, ҳаётини остин-устун қилиб юборадиган нарсалар ҳам йўқ эмас. Шулардан бири — қимор. Бу “ўйин”га муккасидан кетганлар қимор — мардларнинг ўйини, дейишади.

Аслида ҳам шундаймикан?!

1990 йилнинг куз ойларида Раҳмон Ҳамроқуловнинг қўли қиморда баланд келиб қолган эди. У Аҳмадали Шаҳобиддиновнинг бўйнига 10 минг сўмни “илиб” қўйган эди.

— У пайтларда 10 минг сўмга янги машина берарди, — дейди гувоҳ Абдуғофур Ортиқов. — Аҳмадали Обид билан муштлашиб касалхонага тушиб қолган эди. 21 декабр куни уни кўргани касалхонага бордик.

— Раҳмоннинг кайфи бор эди, — дейди яна бир гувоҳ Обиджон Тўхтабоев, — касалхонада Раҳмон Аҳмадалидан 10 минг сўм қарзини қистади. Аммо Аҳмадали бермайман, деди. Шунда иккаласи кўзи қонга тўлиб, ёқалашиб кетди. Алишер билан Ғофир ака уларни ажратиб қўйишди.

Хуллас, ўша куними ёки ундан кейинми, ҳарқалай, икки ўртада “сулҳ” тузилади. Икки томонлама келишувга кўра, қарзнинг узиш муддати 1990 йил 31 декабрда белгиланади.

Аммо...

Ўн кунлик муддатнинг олтинчи куни, яъни 27 декабрда “сулҳ” бузилади...

— Ўша куни кечки пайт уйда болаларим билан ўтирган эдим, — дейди Юнусхоннинг турмуш ўртоғи Комила Мўйидинова, — эрим уйга Раҳмон исмли кишини бошлаб келди. Уларнинг ортидан эримнинг акаси Аҳмадали ҳам пайдо бўлди, у менга болаларимни олиб, ўз уйида ўтириб туришимни айтди. Мен болаларим билан қўшни хонадонга чиқиб кетдим. Орадан бир муддат ўтиб, ўз уйимизга қайтиб чиқдик. Меҳмонхонага жой тўшаб, болаларим билан ухлашга ётдим. Кўзимга ҳадеганда уйқу келмай, негадир чўчиб кетавердим. Юрагим ваҳмдан ҳаприқиб ташқарига чиқсам, ҳовли юзасида эрим билан унинг акаси Аҳмадали турган экан. Уларнинг қўллари, кийим-боши қип-қизил қонга бўялган эди.

— Нима бўлди? — деб эримдан сўрадим.

— Акам Раҳмонни ўлдириб қўйди, — деди эрим.

Аҳмадали эса менга юзланиб, агар бирор кишига айтсанг, болаларинг билан сени ҳам ўлдириб юбораман, — деб қўрқитди.

Судда судланувчи Аҳмадали Шаҳобиддинов 1990 йил 27 декабр куни касалхонада бўлганман, кейин бир кунга уйга бориб келиш учун врачлардан рухсат сўраганман, деган важни айтди.

Аммо у Раҳмон Ҳамроқуловни укам ўлдирган, дея барча айбни укасининг устига ағдарди.

— Бу воқеага гувоҳ бўлган хотиним Раҳима Шаҳобиддинова, — дея қўшиб қўйди у, — қўрқувдан касалга чалиниб, 1996 йилда қазо қилди.

Судланувчи Юнусхон Шаҳобиддинов эса шундай деди:

— Ўша куни акам уйга Раҳмон Ҳамроқуловни бошлаб келди. Чунки акамнинг ундан 10 минг сўм қарзи бор эди. Акамнинг мақсади шу қарзини қимор ўйнаб узиш эди. Бироқ қимор бошқача тус олди. Акам менга “биз Раҳмон билан гаплашиб оламиз, сен чой дамлаб кел”, деб буюрди. Мен чой дамлагач, қайтиб уйга кирсам, акам хотинимнинг дўппи тикишда фойдаланадиган катта “ключ” билан Раҳмоннинг бошига уриб, ўлдириб бўлган экан. Мен буни кўриб, ҳушим бошимдан учди. Қўрқувдан дағ-дағ қалтираб қолдим. Лекин акам далда берди. Кейин биргалашиб марҳумни ҳовлидаги сабзи ўрага кўмдик. Орадан икки кун ўтиб, акам мурдани ўрадан суғуриб олди ва биз уни бўлакларга бўлдик.

Мана энди, азиз ўқувчи, Баҳодирхон Шаҳобиддиновнинг юқоридаги фикрларини давом эттириш фурсати етди.

— Ўшанда биз Равот қишлоғидаги ҳовлимизда яшар эдик, — дейди Баҳодирхон Шаҳобиддинов. — Кунларнинг бирида Юнусхон кайф устида “Аҳмадали қотил, у Раҳмонни ўлдирган” деб қолди. Кейин айни шундай гапни Юнусхоннинг хотини Комиладан ҳам эшитдим.

— Акам сирли равишда домдараксиз кетганида, мен ҳарбий хизматда эдим, — дейди Ҳомиджон Ҳамроқулов. — Шундан сўнг маҳалламизда акамнинг сирли равишда ғойиб бўлганлиги ҳақида турли миш-мишлар пайдо бўлди. Ўғри битта, лекин гумон мингта. Шундай бўлса-да, Аҳмадали билан Юнусхон ҳақидаги миш-миш ва фаразлар менда шубҳа уйғотди. Прокуратурага мурожаат этдим. Ҳақиқатдан ҳам, акамнинг қотиллари Шаҳобиддиновлар бўлиб чиқди...

— Орадан 11 йил вақт ўтгач, — дейди вилоят судининг судьяси Зуҳриддин Иброҳимов, — Косонсой тумани, Косон қишлоқ фуқаролар йиғини Олим Аширов номидаги кўчанинг 5-уйида содир этилган машъум жиноят сири фош этилди.

Ака-ука қилмишларига яраша жазоларини олди. Бироқ кишини бошқа бир нарса ўйлантиради. Наҳотки, бир кишининг умри ўша арзимас чақа билан ҳисоб-китоб қилинса? Аслида нопок нарса — қимор киши бошига қанчадан-қанча ғам-ташвиш, маломат, кулфат олиб келди. Бир аёл қўрқув туфайли ҳаётдан бевақт кўз юмди. Болалар етим қолди. Ака-ука, қариндош-уруғ ўртасида нифоқ ва душманлик уруғи сепилди.

Азиз ўқувчи!

Юқорида баён этилган воқеаларга изоҳ шарт бўлмаса керак. Зеро, ёмонликдан ҳамиша ёмонлик, қабиҳлик туғилган...

Маъмур МУСУРМОНОВ,
журналист

КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

— Эрталаб соқолимни олгач, ўзимни ўн ёшга яшаргандек ҳис қиламан, деб мақтанибди эри хотинига ваннахонадан чиқиб келаётиб.

— Унда шу соқол қурғурни уйқуга ётишдан олдин олсанг бўлмайдими?! — дебди хотини.

* * *

Ҳар хил курортларда дам олган эру хотин уйига қайтишибди. Тун. Хотини ётган жойидан сапчиб туриб, кичқиради:

— Вой шўрим, эрим келиб қолди!

Эри даҳшат ичида:

— Қани? Қани? — дея ўзини кроват тагига уради.

* * *

Тун. Ётоқ. Хотини уйқуга кетар экан, масрур жилмаяди: “Эримнинг эсидамикин — эртага турмуш қурганимизга 15 йил тўлади. Албатта, эсида-да... Менга совға тайёрлаб ҳам қўйгандир...”.

Эри ҳам ухлаш олдидан маҳзун ўйлайди: “Агар мен уни 15 йил аввал бўғиб ўлдирганимда, эртага қамоқдан чиқиб келган бўларканман-а...”.

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Шодикул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимида, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Навбатчи:
Т. ҲАСАНБОЕВ
Газета таҳририят компьютер базасида саҳифаланди.
Саҳифаловчи:
Жаъфар ЖАББОРОВ
Компьютер оператори:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047,
Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18
(умумий бўлим),
133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.